

**ЎЗБЕКИСТОН РЕСПУБЛИКАСИ АДЛИЯ
ВАЗИРЛИГИ**

ТОШКЕНТ ДАВЛАТ ЮРИДИК ИНСТИТУТИ

“ФУҚАРОЛИК ҲУҚУҚИ” КАФЕДРАСИ

КУРС ИШИ

Мавзу: ҲАДЯ ШАРТНОМАСИ

Бажарди: 2-ҳуқуқ 3 курс А поток

3-гуруҳ талабаси Шахобов Музаффар

Текширди: А.А.Ашурова

ТОШКЕНТ - 2012

МУНДАРИЖА.

Кириш.

1.БОБ. Ҳадя шартномаси тушунчаси ва шакли.

1.1. Ҳадя шартномаси тушунчаси ва унинг мажбурият тизимида тутган ўрни.

1.2. Ҳадя шартномасининг шакли.

2.БОБ. Ҳадя шартномаси тарафларининг ҳуқуқ ва мажбуриятлари.

2.1. Ҳадя шартномасида тарафларнинг ҳуқуқ ва мажбуриятлари.

2.2. Хайр-эҳсон шартномаси.

Хулоса.

Фойдаланилган адабиётлар рўйхати.

К И Р И Ш.

Ўзбекистон Республикаси суверен давлат деб эълон қилингандан кейин ўз ички ва ташқи сиёсатини ўзи мустақил амалга ошира бошлади. Мамлакатимизда мустабид тузум оқибатларини бартараф этиш, янги ҳуқуқий демократик давлатни шакллантириш бўйича жуда катта ташкилий, сиёсий, ҳуқуқий, иқтисодий тадбирлар тизими ишлаб чиқилди ва изчиллик билан амалга оширила бошланди. Бу чораларнинг асосий мақсади ҳуқуқий демократик давлат қуриш ва адолатли фуқаролик жамиятини барпо этиш, тараққий этган бозор муносабатларини шакллантириш ва бунга босқичма-босқич ўтиб боришдан иборатдир.

Республикамиз мустақилигини қўлга киритганидан сўнг ўтган вақт оралиғида бир қатор иқтисодий, ижтимоий ва ҳуқуқий ислохотлар амалга оширилди ва бу ислохотлар Президентимиз таъкидлаганларидек «инсон манфаатлари учун»- деган тамойилга асосланди¹.

Ҳуқуқий соҳада амалга оширилган ислохотларнинг энг муҳим жиҳати бозор иқтисодиёти қонуниятларининг бевосита тартибга соладиган янги қонунчилик базасини вужудга келтириш ва уни доимий равишда шакллантириб бориш билан белгиланди. Қабул қилинган янги қонунлар асосида иқтисодиётимизда вужудга келган янгидан-янги муносабатлар тартибга солина бошлади. Шу маънода мамлакатимизда ҳуқуқий тартибга солишнинг изчил механизми яратилди.

Бозор иқтисодиётига ўтишнинг ўзбек модели деб ном олган Президентимиз томонидан ишлаб чиқилган тамойиллар ва булардан кўзланган мақсадларни амалга ошириш борасида қабул қилинган қонунлар асосида фуқаролик-ҳуқуқий муносабатларни ривожланиб бориши натижасида фуқаролик ҳуқуқий шартномалар ҳам янгича мазмун касб этди.

Айниқса, Республикамизда 2004 йилнинг «Меҳр ва мурувват йили» - деб эълон қилиниши бу ҳолат билан боғлиқ ҳуқуқий муносабатларга бўлган эътиборни янада ортишига сабаб бўлди. Ҳада шартномаси меҳр ва мурувватнинг ҳуқуқий воситаси сифатида муҳим ўрин тутади.

Ҳада муносабатлари азалдан кишилар ўртасидаги ўзаро ишончга ва меҳр мурувватга асосланиб келган. Қадим замонларданоқ кишилар бир-бирларига меҳр ва ишонч белгиси сифатида, ғамхўрлик намунаси ўлароқ бирор нарсани қолдиришган. Дастлаб, бу ҳолатлар дўстлик ва бирордарликнинг рамзи сифатида эсталик ва ёдгорлик ҳисобланган бўлса кейинчалик, ўзаро ёрдам ва кўмак воситаси сифатида шаклланди. Хусусий мулкчиликнинг жамоа мулкчилигидан ажралиб чиқиши натижасида ҳада муносабатлари ҳам тез ривож топа бошлади. Эндиликда мол-мулк якка шахсга текгишли бўлиши муносабати билан у ўз мол-мулкни мустақил тасарруф эта бошлади. Яъни ўз хоҳиш иродаси билан ўзига тегишли бўлган мол-мулкни сотиши, бошқа шахсга фойдаланишга бериши ёки умуман ташлаб юбориши, бошқа шахсга ҳеч қандай ҳақсиз бериб юбориши мумкин бўлди.

Ана шу ҳолатлар натижаси, яъни мулкдорнинг ашёга нисбатан тўлиқ ҳукмронлиги остида² ҳада шартномаси ва у билан боғлиқ муносабатлар вужудга келди. Ҳада шартномаси билан боғлиқ қоидалар ҳозирги кундаги фуқаролик қонунчилигида изчил тартибда ва муайян мукамалликка эришилиган ҳолда берилган бўлсада, бу муносабатларни тартибга солувчи қонун ҳужжатларида муайян камчиликлар борлигини айти ўтиш жоиз.

¹ Каримов И.А. Биз келажакимизни ўз қўлимиз билан қураимиз.Т.7.-Т.:Ўзбекистон.1999.-325 б.

² Арипджанов У.А. Право собственности в системе вещных прав.Автореф.канд.дисс.-Т.:О.О.О.NISIM.2000.-8 с

Ҳозирги кунда ҳада шартномасининг субъектлари, объектлари, шартномани расмийлаштириш ва унинг шакли, тарафларнинг ҳуқуқ ва мажбуриятлари, ҳадини ваъда қилиш ва унинг оқибатлари хусусидаги қоидаларда бир қатор ноаниқликлар ва ечими кутаётган муаммолар борлигини ҳисобга олиб мазкур ҳолатларни ечимини топиш зарурияти юзага келади. Ҳада муносабатларини тартибга солувчи қонун ҳужжатларининг баъзиларида ҳозирги кунга қадар маъмурий қоидаларнинг сақланиб қолаётганлиги ва ҳада шартномасини амалга оширилишининг сунъий чекланиш ҳолатларнинг мавжудлиги мазкур рисоланинг долзарблигини ифодалайди.

Дарҳақиқат ҳозирда ҳада шартномасининг тарафларига нисбатан айрим мол-мулкларни ҳада қилиши бўйича ноқонуний чекловларнинг белгиланиши фикримизнинг далилидир. Масалан, автотранспорт воситаларининг 18 ёшга тўлмаган фуқарога ҳада қилинганда, ДАН томонидан бундай шартнома давлат рўйхатидан ўтказилмайди. Бу чеклов тегишли идоравий ҳужжат билан чеклаб қўйилганлиги сабабли, шартномани қонун белгиланган тартибда расмийлаштириб бўлмайди.

Худди шундай ҳолатлар фуқаролик муомиласидан чиқарилган ёки фуқаролик муомиласида ҳаракати чекланган ашёларга нисбатан ҳам таллукли.

Ҳада шартномаси билан боғлиқ ҳолатлар Республикамизнинг атоқли ҳуқуқшунос олимлари томонидан ўрганилган. Улар жумласига: Ҳ.Р.Раҳмонкулов, И.Б.Зокиров, И.Анортоев, Р.Мухамедов, О.Оқюлов, Д.М.Қараходжаева, У.А.Арипджанов, М.Х.Баратов ва бошқаларни киритиш мумкин.

Мазкур мавзунинг ўрганиш мобайнида муаллиф қуйидаги фикрларни ҳимоя учун илгари суради:

1. Муаллиф ҳада шартномасида муқобил ижронинг бўлмаслиқ фактини асослашга ҳаракат қилади. Зеро муқобил ижронинг мавжуд бўлиши шартноманинг олди-сотди ёки айирбошлаш муносабатларига йланишига олиб келади. Ҳар қандай ҳолда ҳам ҳада шартномасида иккинчи томон – ҳада олувчида муқобил ижро ёки олаётган мол-мулки эвазига бирор-бир ҳаракатни амалга ошириш мажбурияти бўлмаслиги керак.

2. Муаллиф шартли битим ва ҳада шартномаси ўртасидаги нисбат хусусида фикр юритиб, ҳада шартномаси шартли битимларни бир турига киритиш мумкин¹ деган фикрга қўшилиб бўлмаслигини асослаб беришга ҳаракат қилади. Шартли битим деганда одатда амалга оширилиш муайян шартга боғлиқ қилиб қўйилган битим тушунилади. Бундай шартлар тарафлар зиммасига бирор бир шартни юкласа, ҳада шартномаси ҳисобланмайди. Агар битим шартини ҳада олувчига мажбурият юкламайдиган бўлса, унда бундай битимларни ваъда қилинган ҳада деб ҳисоблаш мумкин.

3. Ҳада шартномаси ҳуқуқий белгилари кўра: бир томонлама, текинга ва реал ҳамда баъзи ҳолларда консенсуал ҳисобланади. Муаллиф ҳада шартномаси икки томонлама бўлиши ҳам мумкинлиги² тўғрисидаги фикрларнинг тўғри эмаслигини исботлашга ҳаракат қилади. Яъни ҳада шартномасида ҳада олувчига нисбатан муқобил ижро мавжуд бўлмас экан (ФКнинг 502-моддаси 2-қисми) ҳада шартномаси ҳар доим бир томонлама шартномадир.

4. Ҳада шартномасининг олди-сотди шартномалари туркумига, яъни мол-мулк ва мулк ҳуқуқни бошқа шахсга ўтказиш шартномалари гуруҳига киришини асослаб, муаллиф ҳада шартномасининг олди-сотди шартномаси, айирбошлаш шартномаси, васиятнома, шартли битим ва бошқа шартномалардан фарқли жиҳатларини очиқ беради.

¹ Ўзбекистон Республикасининг фуқаролик кодексининг иккинчи қисмига шарҳлар. 2-жилд 1-китоб. – Т.: Иқтисодиёт ва ҳуқуқ дунёси. 1998. – 224 б.

² Ўзбекистон Республикасининг фуқаролик кодексининг иккинчи қисмига шарҳлар. 2-жилд 1-китоб. – Т.: Иқтисодиёт ва ҳуқуқ дунёси. 1998. – 222 б.

5. Ҳада шартномасида ҳада ваъда қилинганида ҳуқуқий ворислик асосида мол-мулкнинг тақдири ҳал қилинишини назарда тутиб рисолада васиятнома билан ваъда қилинган ҳада ўртасидаги фарқ очиб берилади, ҳамда ваъда қилинган ҳадянинг ҳуқуқий оқибатлари баён этилади.

6. Маълумки ҳада шартномаси бир томонлама шартнома, лекин икки томонлама битим ҳисобланади. Зеро, ҳада икки шахснинг эрки-иродаси асосида тузилади.

1 БОБ. Ҳада шартномаси тушунчаси ва шакли.

1.1. Ҳада шартномасининг тушунчаси ва унинг мажбуриятлар тизимида тутган ўрни.

Субъектлар мол-мулкнинг соҳиби сифатида фуқаролик ҳуқуқий муносабатларда ўз номларидан иштирок этишлари ва ўз мажбуриятлари юзасидан мустақил жавоб бера олишлари мумкинлиги ҳам айнан уларда мол-мулкнинг мавжудлиги билан характерланган. Дарҳақиқат, жамиятнинг иқтисодий негизини мулк ташкил этади. Шунингдек жамиятнинг иқтисодий-ижтимоий тузилиши ҳам мулк билан, мулкнинг кимларга тегишли эканлиги билан белгиланади. Мулксиз ижтимоий муносабатларни ривожлантиришнинг, мамлакатда халқ фаровонлигини таъминлашга қаратилган чора-тадбирларни амалга оширишнинг иложи йўқ¹.

Мустақиллик йилларида республикада халқаро амалиётда қабул қилинган, инсон эркинликлари устуворлигидан келиб чиқадиган ҳуқуқий қоидалар ва нормаларга асосланган кенг ҳуқуқий макон вужудга келтирилди. Биз тоталитар тузумининг ўз ҳукмини ўтказиши ва бошбошдоқлигидан воз кечдик. Одамнинг давлат ҳокимияти ва бошқарув органлари билан шунингдек мулкчиликнинг ҳамма шаклларидаги маъмурий-хўжалик тузилмалари билан хилма-хил муносабатларини тартибга солишнинг ҳуқуқий нормалари сари дадил қадам ташладик².

ФКнинг 8-моддаси талабига кўра, шартномалар тарафлар ўртасида фуқаролик ҳуқуқ ва бурчлари вужудга келишининг асосларидан биридир. Шубҳасиз, бугунги кунда шартномаларга алоҳида аҳамият берилмоқда. Чунки шартномаларда бошқача юридик фактларга қараганда, тарафларнинг эрки-иродаси тўла ифодаланади. Шартномага киришувчи шахслар ким билан, қанча, қачон шартнома тузишни у туфайли етказиб берилиши лозим бўлган пул, товар, ашёларни қайси муддатларда, қандай транспортларда етказилишини, тўлов амалдаги қандай шаклларда бўлишини мутлақо ўзи, мустақил ҳал қиладилар. Улар шартномалар тузишда эркиндирлар, шартнома тузишга мажбурлашга йўл қўйилмайди. Амалиёт шуни кўрсатмоқдаки, шартномалар тузишнинг эркинлиги, ундан тарафларнинг ўзаро манфаатдорлиги, шартномада шартнома интизомининг мустаҳкамлиги (яъни, халқ тили билан айтганда, “шартноманинг пулдан қимматлиги”) унда маъмурий-буйруқбозликка асосланган жавобгарликдан кўра, мулкий жавобгарликнинг кенг белгиланиши хўжалик юритувчи субъектларни тобора ушбу ҳуқуқий воситадан (шартномадан) тўлароқ фойдаланишга жалб қилмоқда. Шартномаларнинг аҳамиятини кенг тушунтириш мумкин. Аммо уларнинг сараси шартномалар тўлов интизomini кучайтиради, тарафларнинг фаолиятини ҳар томонлама рағбатлантиради, ўз навбатида тарафларнинг масъулиятини оширади, хўжаликнинг дебиторлик ва кредиторлик ҳолатини яхшилайти, пировардида тарафларнинг барқарорлигини таъминлайди. Бу эса ўз навбатида жамиятда товарлар, хизматлар ва капиталларнинг мўл-кўллигига гаровдир.

Шу маънода соҳани тезкор ва таъсирчан ҳуқуқий механизмини яратиш, шартномалар тузиш ва бажаришни таъминлаш мақсадида мамлакатимизда “Хўжалик юритувчи субъектлар фаолиятининг шартномавий-ҳуқуқий базаси тўғрисида” қонун¹ қабул қилинди, шартномаларни тузиш ва бажариш мониторинги юритилмоқда. Булар ўз навбатида тузилган шартномаларни тезроқ ва реалроқ ишлашига хизмат қилмоқда.

¹ Раҳмонқулов Ҳ. Хусусий мулк ва унинг дахлсизлиги.-Т.: Адолат.2000.-3-4 б.

² Каримов И.А. Ўзбекистон 21 аср бўсағасида: хавфсизликка таҳдид барқарорлик шартлари ва тараққиёт кафолатлари.-Т.: Ўзбекистон.1997.-201 б.

¹ Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлисининг Ахборотномаси, 1998 йил, 9-сон, 170-модда, Ўзбекистоннинг янги қонунлари 20-сон, Т., “Адолат”, 1999 йил.

Шартнома икки ёки ундан ортиқ шахснинг фуқаролик ҳуқуқлари ва бурчларини белгилаш, ўзгартириш ёки бекор қилишга қаратилган ўзаро келишувидир.

Шартнома атамаси уч маънода: юридик факт; бирон-бир юридик фактга асосланган, моддий ёки моддий манфаатлар тўғрисидаги ҳуқуқий муносабат; шахслар (фуқаролар ва ташкилотлар) нима тўғрисида ўзаро келишсалар, шунинг акс эттирувчи, ифодаловчи ҳужжат маъносида ишлатилади. Бу ерда у ўзининг биринчи маъноси-юридик факт сифатида қўрилади ва ўрганилади.

Юридик фактлар мазмунини жиҳатидан икки асосий тоифага: юридик ҳодисалар ва ҳаракатларга бўлинган эди. Юридик ҳаракатлар ўз навбатида ҳуқуқ йўл қўйган ҳаракатлар сифатида бир томонлама ва икки томонлама битимлар (шартномалар) кўрсатилган эди. Икки томонлама битимларнинг ҳаммаси (олди, сотди, ижара, қарз ва бошқалар) шартнома ҳисобланади. Бир томонлама битим, масалан, васиятнома шартнома бўла олмайди. Бинобарин, ҳар қандай шартномани битим дейилса ҳам, аммо ҳар қандай битимни шартнома деб атаб бўлмайди.

Демак, шартнома битимнинг бир кўриниши ҳисобланар экан, унга нисбатан битимга оид қоидалар, жумладан, ФКнинг 9-бобидаги қоидалар татбиқ этилади. Шу билан бирга шартнома ўзига тааллуқли бўлган бошқа махсус нормалар билан ҳам масалан, қишлоқ хўжалиги маҳсулотларининг контракция шартномаларини тузиш ва бажариш бу тўғрисидаги махсус Низом¹ билан ҳам тартибга солинади.

Шартномадан келиб чиққан мажбуриятларга, агар қонунларда бошқача ҳол назарда тутилмаган бўлса, ФКда белгиланган мажбуриятлар ҳақидаги умумий қоидалар (ФКнинг 234-352-моддалари) қўлланилади.

Иккидан ортиқ тарафлар тузиладиган шартномаларга ҳам агар бундай шартномаларнинг қўп тарафламалик хусусиятига зид бўлмаса, шартнома тўғрисидаги умумий қоидалар қўлланилади.

Шартнома ҳуқуқий муносабатларни вужудга келтириш, ўзгартириш ёки бекор қилиш учун асос бўлиб хизмат қилади. Аммо шартноманинг ҳаракати бу билан чекланмайди. Агар бошқа юридик фактлар умумий қоида бўйича ҳуқуқий муносабатни вужудга келтириш, ўзгартириш ёки бекор қилиш билан тугалланса, шартнома мазкур юридик фактлардан фарқ қилиб, ҳуқуқий муносабатни белгилаш, ўзгартириш ёки бекор қилишдан ташқари яна ҳуқуқ нормалари билан белгиланган доираларда ҳуқуқий муносабатда қатнашувчиларнинг ҳатти-ҳаракатларини тартибга солади, ҳуқуқий муносабат иштирокчиларининг ҳуқуқ ва бурчларини белгилайди.

Шартнома билан вужудга келтирилган ҳуқуқий муносабат давомида шартнома тарафларнинг ҳатти-ҳаракатлари қанчалик қонунга мувофиқ бўлган-бўлмаганлигини ҳам текшириш имкониятини беради¹

Шартнома тушунчасида асосий белги, асосий шарт-тарафларнинг муайян натижага эришишга қаратилган ўзаро келишувларидир. Тарафларнинг ҳар қайсиси томонидан шартнома бўйича олинадиган ҳуқуқ ва бурчлар ҳар хил бўлса ҳам, улар оқибатида ягона ҳуқуқий натижа беради, масалан, бирон-бир нарсага нисбатан эгалик ҳуқуқи ўтказилади ёки бирон-бир ашёдан фойдаланиш ҳуқуқи олинади ва ҳ.к.

Тарафларнинг келишувлари натижасида эришиладиган бевосита аниқ натижани мазкур шартнома тузишда тарафларнинг ўз олдларига қўйилган асосий мақсаддан мулкни ёки мулкрий ҳуқуқни топшириш ҳисобланади.

¹ Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамасининг 1994 йил 29 августдаги 438-сонли қарори билан тасдиқланган. М.Абдусаломов, Ф.Отахоновларнинг “Контракция шартномалари. Талабнома ва даъво аризалари” тўпламида, Т., “Адолат”, 19098 йил, 137-152-бетлар.

¹ М.Рахмонкулов. Роль и сущность гражданско-правового договора в условиях рыночной экономики. - Т.:Фан.1994.-113-114 с.

Ҳада деб шундай шартномага айтиладики, унга кўра бир тараф (ҳада қилувчи) бошқа тараф (ҳада олувчи) га ашёни текин мулк қилиб беради ёки бериш мажбуриятни олади ёхуд унга, ўзига ёки учинчи шахсга нисбатан мулк ҳуқуқи (тлтбини) беради ё бериш мажбуриятни олади. Унинг моҳияти шудаки бунда мулк текин топширилади яъни ҳада қилувчининг тасарруфида бўлган ашё ҳада олувчига мол – мулк қилиб ўтказилади.

Бозор муносабатлари тобора чуқурлашиб боргани сари шартномаларининг мазмуни доираси, қўлами ҳам кенгайиб бормоқда. Чунончи, 1963 – йилги фуқаролик қонунчилигида ҳада шартномаси деганда, бир тараф (ҳада қилувчи) иккинчи тарафнинг (ҳада олувчининг) эгаллигига текнга топширилиши нормаланган эди. Амалдаги фуқаролик кодексида эса, бу ҳолат сезиларли такомиллаштирилди. Бунинг натижасида юқоридаги ҳада предмети доираси кенгайтирилиб у ўз ичига қуйдагиларни олиши мумкин бўлди. Биринчидан бир тараф бошқа тарафга текинга мол – мулк қилиб бериладиган ашёлар;

Иккинчидан бир тараф (ҳада қилувчи) бошқа тараф (ҳада олувчига) ўзига ёки учинчи шахсга нисбатан мулк ҳуқуқи (талаби) ни берадиган ё бериш мажбуриятини олган ҳолларда ҳам мулкӣ ҳуқуқи. Учинчидан бир тараф (ҳада қилувчи) бошқа тараф (ҳада олувчи) ни ўзи ёки учинчи шахс олдидаги мулкӣ мажбуриятдан озод қиладиган ёхуд озод қилиш мажбуриятини олган ҳолларда ҳам мулкӣ ҳуқуқи.

Кўриниб турибдики, ҳар бир ҳаллатда ҳам мустақил икки тушунча қўлланган: ашёни топширади ёки топшириш мажбуриятини олади, мулкӣ мажбуриятдан озод қиладди ёки озод қилиш мажбуриятини олади. Бу мазкур шартномагагина хос бўлган хусусиятдир. Шартнома реал бўлсада айни пайтда ҳада қилувчи ҳада олувчига келгусида ҳада қилиш қилиш мажбуриятини олади. Ҳамма ҳамма ҳолларда ҳам ҳада шартномаси вужудга келавермайди. Айтайлик, ашё ёки мулк муқобил берилганда

ё бўлмаса, муқобил мажбурият мавжуд бўлганда шартнома ҳада деб тан олинмайди. Бундай шартномага фуқаролик кодексининг 250- моддаси муқобил мажбуриятни бажариш. Агар қарздор икки ёки бир неча ҳаракатлардан бирини қилиши ёхуд кредиторларга бир неча мол - мулкни топширилиши лозим бўлади, башарти қонун ҳужжатлари, шартнома ёки мажбуриятнинг моҳиятидан бошқача тартиб алмашилмаса, танлаш ҳуқуқи қарздор ихтиёрида бўлади 124- моддасининг иккинчи қисми. Агар битим бошқа битимни ниқоблаш мақсадида тузилган бўлса (кўзбуямачилик битими), тарафлар ҳақиқатда назарда тутган битимга доир қоидалар қўлланилади. Шунингдек, юқоридаги учта ҳолатта тутилган мустақил ҳолатни ҳам киритиш мумкин. Яъни, бирон – бир ашёни ёки мулк ҳуқуқини текинга бириш ёки бирон – бир шахсни мажбуриятдан озод этишни ваъда қилиш (ҳада этишни ваъда қилиш), агар ваъда тегишли шахсда берилган бўлса ва келажақда аниқ шахсга ашё ёки мулкӣ ҳуқуқни текинга бериш ёки уни мулкӣ мажбуриятдан озод қилиш мақсади аниқ кўриниб турган бўлса, ҳада шартномаси деб тан олинади. (ФКнинг 500- мод 3-қисм). Ҳада бир томонлама, реал, текинга тузиладиган шартнома ҳисобланади. Шубҳасиз, ҳада бир томонлама битим бўлиб, тарфларнинг ўзаро келишувига асосланади. У ҳада олувчининг таклиф қилган мулкӣ ҳуқуқини қабул қилишга розилик беришда ифодаланади, айнан шу бепгиси билан ҳам ҳада қарз шартномасидан фарқ қиладди. Фуқаролик кодексида ҳадини ҳада ҳада қилувчининг вафотидан кейин топширилишини назарда тутувчи шарнома тан олинмайди. Бундай ҳадага нисбатан васиятнома тўғрисида қоидалар қўлланилади. Ҳадининг васиятномадан фарқи шундаки, мулк ҳада қилувчининг тириглигида топширилади, бу унинг мулки камайишига олиб келади. Васиятномада эса инсоннинг ҳаётлигида унинг мулкӣ ҳуқуқларида акс этмайди. Васиятнома бекор қилиниши ўзгартирилиши мумкин, ҳада эса қоида тариқасида орқага қайтмайди. Ҳадини шартнома дейиш мумкин васиятнома эса одамда, бир томонлама битим бўлиб кўрилади. Бу маънода васиятнома бир

томонлама битим бўлиб, уни тузиш учун қонун ҳужжатларига асосан бир тарафнинг яъни васият қолдирувчининг хоҳиши етарли. Бошқа бир шахснинг эркини ифода қилиш талаб қилинмайди. “Васиятномани тасдиқлаб беришда – дейилади” нотариат тўғрисидаги қонуннинг 45- моддаси – васият қилувчи унинг васият қилинаётган мол – мулки бўлган ҳуқуқини тасдиқловчи далилларни тақдим этиш талаб қилинмайди. Чунки васиятномада кўрсатилган мулк ёки унга бўлган ҳуқуқ ва мажбурият васият қилинаётган пайтда қолдирувчига тегишли бўлмаган бўлиши, лекин кейинчалик унга тегишли бўлиши эҳтимолини ҳисобга олиб, кўрсатилган мол – мулк ёки унга бўлган ҳуқуқ мерос очилган пайтда келиб унга ўтса, васиятномадаги фармойиш ҳақиқий ҳисобланади. Васиятнома ўзига хос хусусиятларга эга.

Биринчидан: васиятнома фуқаронинг шахси билан боғлиқ, васиятнома фуқаронинг шахсий фармойиши ҳисобланиб, шахсан васият қолдирувчи томонидан тузилиши керак. Бошқа шахслар томонидан ишончномага асосан ёки вакил орқали, ҳатто қонуний вакиллар томонидан ҳам васиятнома тузушга йўл қўйилмайди;

Иккинчидан: Васиятнома бир томонлама битим ҳисобланади ва фуқаролик кодексининг битимлар тўғрисидаги қоидаларга тула бўйсунди;

Учинчидан: Ўз эрки билан ўз мулкни васият қилиб қолдириш ҳуқуқи – васият – қилиш эркинлиги фактга тўла муомала лаёқатига эга бўлган фуқароларга берилган муомалага лаёқатсиз деб топилган шахслар ўзларининг мол – мулкни васият қилиб қолдира олмайдилар. Васият қилувчининг муомала лаёқати васиятнома тузилган вақт билан белгиланади;

Тўртинчидан: Васиятнома, албатта қонунда белгиланган шаклда ва тартибда тузилиши ва фақат қонун билан ҳуқуқ бирилган мансабдор шахслар томонидан гувоҳлантирилган бўлиши шарт. Васиятномага, васият қолдирувчи фактга ўзига тегишли бўлган мулкни киритиши мумкин шунинг билан бирга, ўзига тегисли бўлган мулк ҳуқуқ ва мажбуриятларни ҳам васият қилиши мумкин мерос очилиши пайтида унга тегишли бўлган ёки тегишли бўлиш эҳтимоли бўлган мулк ҳуқуқ ва мажбуриятларни ҳам васият қилиши мумкин¹. Ўзбекистон Республикаси Асосий Қонунининг 55- моддаси фуқароларга ўзининг мулкига ўз хоҳишича эгалик қилиши ундан фойдаланиши ва уни тасарруф этиши эрикни амалга ошириш ҳуқуқини беради. Бу ҳуқуқ ҳар бир фуқарога ўзига тегишли бўлган шахсий ва хусусий мулкни, мулкка бўлган ҳуқуқни ва мажбуриятларни ўзи хоҳлаганча миқдорда, ҳар кимга ҳадя этиши мумкин. Ҳадя шартномасининг предмети фуқаролик муомаласидаги объектлар (ФКнинг 82- моддаси) ашёлар, мулк ҳуқуқлар, кўчар-кучмас мол-мулклар бўлиши мумкин. Баъзи ҳолларда шартнома ҳадя қилувчининг ўзи ёки учинчи шахс олдидаги мулк мажбуриятдан озод қилиш ёки озод қилиш мажбуриятини олиш орқали амалга оширилади. Бундай ҳолда шартноманинг тузилиши, вақти мулк ҳуқуқининг ўтиш даври билан мос келмаслиги мумкин. Бунда мажбурият ҳуқуқий муносабатлар вужудга келади, унинг мазмунида ҳадя қилувчининг ўз мулкни камайитиш ҳисобидан ҳадя олувчининг бойитиш ётади. Шартномада ҳадя предмети аниқ белгиланган бўлиши керак. Номалум ашёни ҳадя қилишга йўл қўйилмайди, бинобарин, улар ҳеч қандай ҳуқуқий аҳамиятга эга эмас ҳадя олувчини қарздан озод қилиш ҳақида қилинган ваъда ҳам ушбу қарз суммасини аниқ кўрсатиш лозим бўлади. Ҳадя олувчи ўзига ҳадя топширилгунга қадар истаган вақтида уни рад этишга ҳақли.

Ҳадя шартномасининг амалдаги ФКга мувофиқ тартибга солиниши 1963 йилдаги ГКга нисбатан жиддий фарқ қилади. ГКда ҳадяга ўрта модда бағшланган бўлиб, ҳадя шартномаси реал шартномалар сифатида мулкни ҳадя олувчига топширилган пайтдан

¹ Мухамедов Р. Мерос ҳуқуқи.-Т.:1998.-121 б.

бошлаб тузилган деб ҳисобланарди. Шу билан бирга ҳозирда ҳада шартномаси реал бўлиши билан бир каторда, ҳада қилувчи ҳада олувчига ҳада нарсасини келажакда бериш мажбуриятини олиши ҳам мумкин. Шартноманинг объекти сифатида ашёлардан ташқари ҳада қилувчига тегишли бўлган мулкӣ ҳуқуқлар бўлиши ҳам мумкин. Шунингдек ҳада олувчи шартномага биноан унинг зиммасида бўлган мажбуриятдан озод қилиниши, ҳада берувчига ва учинчи шахслар олдида бўлган мажбуриятлардан озод қилиниши ҳам мумкин.

Фуқаролик ҳуқуқида мавжуд бўлган аксарият битимлар ҳақ бараварига тузилиб, қарама-қарши тарафларда ўзаро мос ҳуқуқ ва бурчлар мавжуд бўлади¹. Кўриб чиқиладиган ҳада шартномаси асосан бир томонлама, бепул тузиладиган шартномалар жумласига киради. Лекин айрим ҳолларда шартнома икки томонлама ҳисобланади ва ҳада олувчининг ҳада олишга розилиги талаб қилинади. Шунингдек, ҳада олувчига айрим мажбуриятлар ҳам юклатилиши мумкин (масалан, 502-507 модда қондасига кўра ҳада олган шахс айрим ҳолларда ҳада нарсасини қайтаришга мажбур бўлади). Шартномага кўра ҳада қилувчи (бир тараф) ўзига тегишли бўлган мулкни, ашёни ёки мулкка нисбатан бўлган ҳуқуқини ҳада олувчи (иккинчи тараф)га текинга мулк қилиб беради ёки бериш мажбуриятини олади. Бу ҳада шартномасининг энг асосий ва зарур шарти бўлиб ҳисобланади. Демак, бунда ҳада қилувчи ҳада нарсасини айнан битим тузиш пайтининг ўзидаёқ топширади, яъни шартномани тузиш ва ижро этиш вақти бир вақтга тўғри келади. Иккинчи ҳолда эса битим тузилган вақт билан унинг предмети бўлган ашёни топшириш вақти бирмунча тўғри келмади. Бундай ҳолда битимга реал шартнома деб қараш мумкин. Бунга мисол қилиб тузиш вақтида учинчи шахсда бўлган, аммо ўзига тегишли мулкни (қарзга берилган пулни, вақтинча фойдаланиш учун берилган мулкни) ҳада қилиш мажбуриятини олиб ҳада шартномасини тузишини кўрсатиш мумкин.

Бунда шартноманинг тузилиш вақти ашёни тошириш пайтидан бирмунча илгари содир бўлади. Демак, ҳада шартномасида тубандаги ўзига хосликни кўриш мумкин:

1. Ҳада нарсаси ҳада қилувчининг мулки бўлиши керак ва унинг эгалигида сақланиб туриши ҳамиша шарт ҳисобланмайди.

2. Ҳада шартномасининг предмети фуқаролик-ҳуқуқий муносабатларида объект бўлиб ҳисобланадиган ва фуқароларнинг эгалигидаги ашё бўлиши лозим. Ҳада шартномасининг нарсаси бўлиб фақат ҳада олувчиларнинг шахсий эҳтиёжини қондирадиган ашё бўлишигина талаб қилинмайди, у ишлаб чиқариш қуроллари, мулк комплекслари (мажмуаси), олинадиган фойдалар (дивидендлар) ва ҳоказолар кўринишида бўлиши мумкин. Ер ва ер ости бойликлари ҳада шартномасининг предмети бўлиши мумкин эмас. Агар умрбод фойдаланишга олинган ер участкаси ҳада қилинган бўлса, бу шартнома ҳақиқий ҳисобланмайди ва уни мерос қилиб қолдириш деб қаралиши ва шу муносабатни тартибга соладиган ҳуқуқий нормалар билан тартибга солинади деб қаралиши лозим².

Ҳада шартномасида унинг предмети, нарсаси, номи аниқ бўлиши муҳим аҳамиятга эга.

1. Ҳада қилувчи ўзининг ашёга бўлган ҳуқуқини бу шартнома орқали ҳада олувчига утказди, ашё тушунчасига буюм, нул, қимматли қоғозлар ва бошқа мол-мулкларни кўрсатса бўлади.

¹ Брагинский М.И., Витрянский В.В. Договорное право. Ч.1. -М.: 1997. -92 с.

² Ўзбекистон Республикасининг фуқаролик кодексининг иккинчи қисмига шарҳлар.2-жилд 1-китоб.-Т.:Иқтисодиёт ва ҳуқуқ дунёси.1998.-222 б.

2. Ҳада берувчи ўзига тегишли бўлшн мулкка нисбатан эгалик ҳуқуқини ҳадяни олувчига ўтказади. Бунда ҳада олувчида ҳада берувчининг эгалигида бўлган мулкни шартномага мувофиқ ўзига топширишни талаб қилиш ҳуқуқи ўтказилади.

3. Ҳада қилувчи ўзининг учинчи шахслардан ашёни талаб қилишга бўлган ҳуқуқини ҳада олувчига ўтказади. Масалан, қарз шартномасига мувофиқ қарз берган шахс қарздорнинг ўз қарзини қайтариб беришини талаб қилиш ҳуқуқини ҳада шартномаси орқали ҳада олувчига ўтказади. Бунда ҳада қилувчи ўзига чегишли талаб қилиш ҳуқуқини ҳада олувчига ўтказади.

4. Ҳада берувчи ўзининг қарздори бўлган шахсдан қарзни талаб қилишга бўлган ҳуқуқидан ҳада шартномаси орқали воз кечади ва аксинча, қарздори ўз қарзини қайтариш бурчидан озод қилади. Бунда учинчи шахсларнинг ҳуқуқи бузилмаслиги лозим (ФКнинг 432-моддаси).

5. Ҳада қилувчи ҳада олувчининг учинчи шахслар олдидаги мажбуриятидан озод қилишни мақсад қилиб шартнома тузиши мумкин. Бунда ҳада қилувчи ҳадяни олувчининг мажбуриятини ўз зиммасига олиб бажариш орқали уни мажбуриятни бажаришдан озод қилади. Бундан кўриниб турганидек, ҳада шартномасининг предмети моддий қимматга эга бўлиб, маълум мажбуриятни бажариши туфайли ҳада қилувчининг мулкӣ ҳуқуқи ҳада қилинган мулк ҳажмида камаяди. Фақат ҳада қилувчининг ўзигагина тегишли бўлиши мумкин бўлган, яъни ўзидан бегоналаштириб булмайдиган мутлақ ҳуқуқлар ҳада шартномасининг предмети бўла олмайди, аммо айтиш керакки, яъни шу ҳуқуқдан фойдаланишга бўлган ҳуқуқ (рухсат бериш, лицензия)гина ҳада шартномасининг предмети бўлиши мумкин. Бундай ҳуқуқ ҳада шартномасининг нарсаси бўлиши учун ҳада олувчи лицензиядан фойдаланиш ҳақида тегишли қоидага мувофиқ рухсат олган бўлиши керак.

ФК 502-моддасининг 2-қисмида ҳада қилувчи ҳада эвазига ҳада олувчи билан муқобил ашё бериш ҳақида ёки муқобил мажбуриятни ижро этиш ҳақида келишилган бўлса, у ҳолда бундай битимлар тузилиши пайтининг ўзидаёқ ҳақиқий ҳисобланмайди ва бундай муносабатга нисбатан Фуқаролик Кодекси 124-моддасига мувофиқ юридик оқибатлар, яъни ашёни бепул топшириш ҳуқуқий оқибатини туғдириш нияти бўлмаган ҳолда номигагина тузилган деб қаралиши керак ва бу битим бошқа битимни нуқоблаш мақсадида тузилган бўлса, ҳақиқатда назарда тутилган битимлар ҳақидаги қоида қўлланилади.

ФК 502-моддасининг иккинчи қисмида ашёнинг ёки ҳуқуқнинг муқобил ўзаро ўтказилиши ҳада шартномасини келтириб чиқармайди, деб таъкидланади. Чунки бу ҳолат ҳада шартномаси бир томонлама битим принципига ҳилоф ҳисобланади ва шу туфайли 124-модданинг 2-қисми қоидалари қўлланади. Ашёни ёки ҳуқуқни ўтказиш айнан тайёр, мавжуд бўлмаган ашё ва ашёвий ҳуқуққа нисбатан ҳам бўлиши мумкин. Масалан: агар сигир туғса унинг боласини ҳада қилишни ваъда қилиб тузилган битим ёки қимматбаҳо қоғоздан келажакда келадиган даромадни ҳада қилишни ваъда қилиб тузилган битим ҳада шартномаси деб ҳисобланади. Фақат бу бажарилиш шартни кечиктирилган ҳада шартномаси ҳисобланади.

Ушбу модда қоидаи билан ҳада шартномасида кўрсатилган ашёнинг маълум мақсадларда фойдаланишини назарда тутилмаган бўлса ҳам, ҳада шартномаси ашёнинг фойдаланиш шартини кўрсатиб тузиш мумкинлигини инкор этмайди. Масалан, ҳада қилинаётган машинада мулкни топширувчига нисбатан кўрсатилиши лозим бўлган айрим хизматларнинг номи ҳам кўрсатилиши мумкин. Ҳада қилувчи ҳада қилиниши лозим бўлган ашёнинг ёки ўзига тегишли бўлган учинчи шахслардан талаб қилишга бўлган ҳуқуқини ўтказишни маълум воқеанинг содир бўлишидан кейин вужудга келишини (масалан, ўзининг вафот этишини кўрсатиб) белгилаб қўйилса, у ҳолда бу ҳада шартномаси ҳисобланмайди. Чунки вафот этган шахсга тегишли ашё ёки талаб

қилиш ҳуқуқи ворислик ҳуқуқи институти нормалари билан тартибга солинади.

Бундай ҳолда ҳадя шартномаси бекор қилинган ҳисобланади. Агар ҳадя ёзма шаклда тузилган бўлса, ҳадяни рад этиш ҳам ёзма шаклда амалга оширилиши керак¹. Ҳадя шартномаси рўйхатдан ўтказилган бўлса, ҳадяни қабул қилишни рад этиш ҳам давлат рўйхатидан ўтказилиши лозим, ҳадя шартномаси ёзма шаклда тузилган бўлса, ҳадя қилувчи ҳадяни олувчидан ҳадяни олишни рад этиши оқибатида етказилган ҳуқуқий зарарни қоплашни талаб қилишга ҳақли.

1.2. Ҳадя шартномасининг шакли.

Ҳадя шартномасини шакли унинг мазмунидан келиб чиқади умумий ҳолда ҳадя қилиш, яъни ҳадяни ҳадя олувчига топшириши оғзаки тарзда амалга оширилиши мумкин. Кўпинча, ҳадяни топшириш уни тақдим қилиш рамзий топшириш (масалан янги квартирани ёки автомобил калитини топшириши) ёки мулкӣ ҳуқуқни гувоҳлантирувчи бирон – бир ҳужжатни тақдим этиш йўли билан амалга оширилади.

Кўчар мулклар бўйича қўйидаги ҳолларда ҳадя шартномаси ёзма шаклда тузилади.

- ҳадя қилувчи юридик шахс бўлганда.

- фуқаролар ўртасидаги энг кам иш ҳақини ўн бараваридан ортиқ суммага шартнома тузилаётганда.

-шартнома бўйича келажакда ҳадя қилиш ваъда қилинган ҳолларда.

Кўчмас мулкнинг ҳадя қилиш шартномаси нотареал тасдиқланиши ва давлат рўйхатидан ўтказилиши лозим.

Ҳадя шартномаси одатдаги шартномалардан баъзи ҳуқуқи белгиларига кўра фарқ қилади. Айтайлик, буни мазкур турдаги шартноманинг саналмаслигининг ҳолларида ҳам кўриш мумкин. Битимларнинг ҳақиқий саналиши учун одатдаги қуйиладиган шартлардан ташқари, ҳадада, биринчидан. Ашё, мулк ҳуқуқи ёки мулкӣ мажбуриятдан озод қилиш шаклидаги ҳадя ашёсини (предметини)аниқ кўрсатиш керак. Шунингдек, юқоридаги учта ҳолат бўйича тузилган шартномалар, албатта, оддий ёзма шаклда тузилиши, кўчмас мулкларни ҳадя қилиш эса айни пайтда, нотареал тасдиқланиши ва

¹ Ўзбекистон Республикасининг фуқаролик ҳуқуқи. /Х.Раҳмонкулов, И.Зокировларнинг умум.таҳрири остида.- Т.:Адолат.1999.-74 б.

давлат рўйхатидан ўтказилиши ҳам керак. Ҳақиқий саналмаслик ҳолати ҳада олувчининг номи ва нарсаси кўрсатилмаган ҳадяни вакил томонидан амалга оширувчи шартномаларга ҳам тааллуқли. Ҳада шартномасининг шакли фуқаролик кодексининг 504-моддасида ифодаланган. Ҳада қилиш айна пайтда ҳадяни ҳада олувчига топшириш оғзаки амалга ошириши мумкин, ушбу модданинг учинчи ва бешинчи қисмларида назарда тутилган ҳоллар бундан мустасно. Ҳадяни топшириш уни тақдим этиш, рамзий топшириш (калит ва ҳоказоларни тақдим этиш) ёки ҳуқуқни белгилайдиган ҳужжатларни тақдим этиш йўли билан амалга оширилади:

1. Кўчар мулкни ҳада қилиш шартномаси.

2. Ҳада қилувчи юридик шахс бўлганда.

3. Фуқаролар ўртасида энг кам иш ҳақининг ўн вараваридан ортиқ сўммага шартнома тузилаётганда.

4. Шартномада келажакда ҳада этиш ваъда қилинган ҳалларда оддий ёзма шартнома тузилиши лозим.

Ушбу

модданинг учинчи қисмида назарда тутилган ҳолларда оғзаки тузилган ҳада шартномаси ўз – ўзидан ҳақиқий эмас. Кўчмас мулкни ҳада шартномаси нотариал тасдиқлаши ва давлат рўйхатидан ўтказилиши лозим. қонун ҳужжатларига белгиланадиган тартибда давлат рўйхатидан ўтказилиши лозим бўлган автотранспорт воситаларини ҳада қилиш нотариал шартномаси тасдиқланган бўлиши керак. Ҳада шартномасини шакли васиятномани шаклига доир умумий қоидаларга ўхшаш ва фарқли томонларини кўрайдиган бўлсак. Васиятнома ёзилган жойи ва вақти кўрсатилган ҳолда ёзма шаклда тузилиши лозим. қуйдаги ёзма шаклда тузилган ҳисобланади:

-нотариал тасдиқланган васиятномалар;

-нотариал тасдиқланган васиятномаларга тенглаштирилган васиятнома; Ёзма шаклдаги васиятномалар васият қилувчининг ўз қўли билан имзоланган бўлиши керак. Агар васият қилувчи жисмоний нуқсонлари, касаллиги ёки соғлиғига туфойли васиятномани ўз қўли билан имзолай олмаса, унинг илтимосига биноан нотариус ёки қонунга мувофиқ васиятномани тасдиқлайдиган бошқа шахс ҳозир бўлганда васият қилувчи ўз қўли билан имзолай олмаганлигининг сабабларини кўрсатилган ҳолда васиятномага бошқа шахс имзо қўйиши мумкин. қуйдагилар васият қилувчининг ўрнига имзолаши мумкин эмас:

-нотариус васиятномани тасдиқловчи бошқа шахс:

-васиятнома кимнинг фойдасига тузилган (бўлса) ёки кимга нисбатан васият мажбурияти юклатилган бўлса, уша шахс, унинг эри (хотини) болалари ота – онаси, неваралари ва чеваралари шунингдек васият қилувчининг қонун буйича меросхўрлари;

-тўлиқ муомала лаёқатига эга бўлган фуқаролар;

-саводсизлар ва васиятномани ўқий олмайдиган бошқа шахслар;

-ёлғон гувоҳлик берганлик учун муқаддам судланган шахслар.

Ҳада

қилиш, айна пайтда ҳадяни ҳада олувчига оғзаки амалга оширилиши мумкин. Айрим ҳолларда эса мустасно мавжуд:

- кўчар мулкни ҳада қилиш шартномаси.

- ҳада қилувчи юридик шахс бўлганда

Ривожланиб бораётган бозор иқтисодиёти муносабатларида турли - турли шартномалар вужудга келмоқда. Икки ёки ундан ортиқ шахсларнинг фуқаролик ҳуқуқлари ва бурчларини вужудга келтириш, ўзгартириш ёки бекор қилиш ҳақидаги келишувларнинг ҳуқуқий ифодаси, шакли сифатида шартномалар фуқаролик ҳуқуқий муносабатлар тизимида муҳим ўрин тутмоқда. Ана шундай шартномалардан бири хайр эҳсондир. 1. Хайр - эҳсон ҳадянинг бир кўриниши бўлиб, бунда қилинадиган ҳада умумфойдали мақсадларга хизмат қилиши билан характерлидир. Демак хайр - эҳсон кенг омманинг умумфойдали мақсадларни амалга ошириш учун қилинади. қонунчилик

хайр – эҳсон, асосан нотижорат субъектларга (даволаш, тарбия, ижтимоийҳимоя муассасаларига, хайрия илмий муассасаларига, фондларга музейларга, жамоат бирлашмаларига, диний ташкелотларга ва бошқа шунга ўхшаш субъектлага) шунингдек, фуқароларга ва давлатга қилиши мумкинлигини нормалайди. Хайр – эҳсон қилинган мол – мулк уни қабул қилиб олган шахснинг маблағлари жумлдасига, киради унинг оператив бошқарувига ўтади. Жамладан, амалдаги “фуқароларнинг ўзини – ўзи бошқариш органлари туғрисида” ги қонуннинг 24 – моддаси “виждон эркинлиги ва диний ташкилотлар туғрисида” ги қонуннинг 15 – моддаси мазмунига кўра, фуқаролар ва меҳнат жамоаларининг ихтиёрий хайр – эҳсонлари мазкур юридик шахслар мол – мулкнинг ташкил топиш мажбуриятдан ҳисобланад ва улар томонидан тегишли тартибда мустақил тасарруф этилади. Хайр – эҳсоннинг предмети фуқаролик муомалаисда бўлган объектлар, яъни пуллар, қимматли қоғозлар, мол - мулклар ашёлар, бинолар, иншоотлар (Уларнинг бир қисми), автомобиллар ва ҳоказолар бўлиши мумкин. Хайр – эҳсонни қабул қилишга бирор кимсанинг (яъни учинчи шахснинг) рухсати ёки розилиги талаб қилинмайди. Хайр - эҳсон қилинган мол - мулк бир қатор шартлар асосида амалга оширилади.

Биринчидан, хайр - эҳсон мол - мулкни топшираётганда ундан маълум мақсадда фойдаланишни шарт қилиб қуйиш лозим. Масалан: “ҳадя қилинган уй - жойдан фақат болалар яслиси учун фойдаланиш лозимлигини шарт қилиш мумкин” Бундай шарт қўйилмаса, у оддий ҳадя деб ҳисобланади ва ундан ҳадя олувчи мол – мулкнинг вазифасига мувофиқ фойдаланади.

Иккинчидан, аниқ мақсадда фойдаланишга мулжалланган хайр – эҳсонни қабул - қилиб олаётган юридик шахи хайр – эҳсон мол – мулкдан фойдаланиш бўйича амалга оширилган операцияларнинг алоҳида рўйхатини юритиш лозим.

Учинчидан, вазият жиддий ўзгарганлиги боис бундай мол – мулкдан кўрсатилган мақсадларда фойдаланиш мумкин бўлмаса, ундан бошқа мақсадда фақат хайр – эҳсон қилувчининг розилиги билан, агар мол – мулкнинг хайр – эҳсон фуқаро вафот этган ўулса ёки хайр – эҳсон қилган юридик шахс қайта ташкил этилган ёхуд тугатилган бўлса, бундай ҳолларда суднинг қарорига мувофиқ фойдаланиш мумкин.

Фуқаролик қрдексининг 511 – моддаси мазмунига кўра, хайр – эҳсон қилинган мулкдан кўрсатилган мақсадда фойдаланмаслик келгусида хайр - эҳсон қилувчига, унинг меросхурларига ёки бошқа ҳуқуқий ворисига хайр – эҳсон бекор қилишни талаб қилиш ҳуқуқини беради. Ҳадя шартномасида қатнашувчи тарафларнинг ҳуқуқ ва мажбуриятлари. Шартномага қатнашувчи тарафлар ҳадя қилувчи ва ҳадя олувчи деб аталиб, ўз навбатида улар фуқаролар, юридик шахслар ва давлат бўлиши мумкин.

Ҳадя фуқаролик – ҳуқуқий характердаги шартнома бўлганлиги боис, ҳадя қилувчи ва ҳадя олувчи муомала лаёқатига эга бўлиши лозим. Баъзан муомала лаёқатига эга бўлмаган шахслар номидан шартномаларни уларнинг қонуний вакиллари тузадилар. Айни пайтда қонунчиликда истисно ҳолат ҳам мавжуд бўлиб, яъни ФКнинг 29 – моддасида иккинчи қисм, иккинчи бандига асосан олти ёшдан ўн тўрт ёшгача бўлган кичик ёшдаги болалар тегишли манфаат кўришга қаратилган, нотариал тасдиқлашни ёки давлат рўйхатидан ўтказишни талаб қилмайдиган битимларни мустақил равишда амалга оширишга ҳақлидирлар. Ўн тўрт ёшдан ўн саккиз ёшгача бўлган вояга етмаганлар ўзлари мустақил равишда ҳадя қилувчи сифатида қатнашиб шартномани ўз стипендиялари, иш ҳақлари ва қонунда кўзда тутилган бошқа даромадлар миқдорида тузишлари мумкин. Лекин улар мулк ҳуқуқи асосида тегишли бўлмаган ашёларни тасарруф қилиш ҳуқуқига эга эмаслар. Бундай битимларни амалга ошириш учун у қонуний вакилларнинг розилигини олиш зарур. Чунки ҳадя уларнинг соғлиғига зарар етказиш, яширин даромадларга эга бўлишга олиб келиши, пировордида уларнинг ҳуқуқларига салбий таъсир қилиши мумкин. Айрим шахсларга ҳадя шартномасини тузишда рад қилиш ва чегаралаш

куйилган (ФКнинг 505-моддаси тартибида) юридик шахс хўжалик юритиш ёки оператив бошқариш ҳукуқи асосида ўзига қарашли бўлган ашёни, агар қонунда бошқача тартиб назарда тутилган бўлмаса, мулкдорнинг розилиги билан ҳада этишга ҳақли. Бу чеклаш қиймати катта бўлмаган одатдаги совғаларга талукли эмас.

Умумий биргалидан мулкни ҳада қилишга (ФКнинг 225-моддасида) назарда тутилган ҳолда қоидаларга амал қилиган ҳолда умумий биргаликдан мулкнинг барча иштирокчилари розилиги билан йўл қўйилади. Ҳада қилувчига тегишли учинчи шахсдан талаб қилиш ҳуқуқини ҳада қилиш (ФКнинг 313-317 ва 320 – моддаларида) назарда тутилган қоидаларга риоя этилган ҳалда амалга оширилади (ФКнинг 313-моддасида).

Мажбурият асосида кредиторга тегишли бўлган ҳуқуқ унингтомонидан битим бўйича бошқа шахсга ўтказилиши (талабдан бошқа шахс фойдасига воз кечиш) ёки қонун асосида бошқа шахсга ўтишимумкин. Кредиторнинг ҳуқуқлари бошқа шахсга ўтиши учун агар қонун ёки шартномада бошқача тартиб назарда тутилган бўлмаса, қарздорнинг розилиги талаб қилинмайди. Кредитор ҳуқуқларининг бошқа шахсга ўтиши ҳақидаги қоидалар регрес талабларга нисбатан қўлланилмайди. (ФКнинг 314-моддаси). Кредиторнинг шахси билан чамбарчас боғлиқ ҳуқуқларнинг, хусусан алиментлар туғрисидаги ва ҳаётга ёки соғлиққа етказилган зарарни тўлаш туғрисидаги талабларнинг бошқа шахсга ўтишига йўл қўйилмайди (ФКнинг 316-моддаси). Ўз талаби бошқа шахс фойдасига воз кечган кредитор талаб қилиш ҳуқуқини тасдиқловчи ҳужжатларни унга бериши ва талабни амалга ошириш учун аҳамиятла бўлган маълумотларни билдириш керак.

қарздор талаблар янги кредиторга ўтганлигини исботловчи ҳужжатлар ўзига тақдим этилмагунча унга нисбатан мажбуриятни бажармасликка ҳақли. Талабдан бошқа шахс фойдасига воз кечиш шакли (ФКнинг 320-моддаси). Оддий ёзма ёки нотариал шаклда тузилган битимга асосланган талабдан бошқа шахс фойдасига воз кечиш уша шаклда амалга оширилади.

Давлат рўйхатидан ўтказилмаган талаб қилинмайдиган битим бўйича талабни бошқа шахс фойдасига воз кечиш ушбу битимни рўйхатга олиш учун белгилаб қўйилган тартибда рўйхатга олиниши керак.

Ҳада олаётган шахс ўрнига унинг учинчи шахс олдидаги мажбуриятини бажариши йули билан ҳада қилиш ФКнинг 241-моддасининг биринчи ва иккинчи қисмларида яъни шартномадан келиб чиққан тўла хажимда ёки унинг бир қисмини бажариш, агар қонун ҳужжатлариёки шартномада назарда тутилган бўлса, шунингдек агар учинчи шахс тарафлардан бири билан тегишли шартнома орқали боғлиқ бўлса учинчи шахс зиммасига юклатилиши мумкин.

Ҳада олувчининг учинчи шахсдаги қарзини ҳада қилувчининг ўзига олиш йўли билан ҳада қилиш ФКнинг 322 – моддасининг 1 ва 2 қисмларида амалга оширилади.

Биринчи қисм қарздорнинг ўз қарзини бошқа шахсга ўтказишига фақат кредиторнинг розилиги билан йўл қўйилади.

Иккинчи қисм янги қарздор кредитор билан дастлабки қарздор ўртасидаги муносабатларга асосланган барча эътирозларни кредитор талабига қарши қўйишга ҳақли.

қонун эр ва хотинлар ўртасида ҳада шартномасини тузилишини чекламайди ҳада қилинган мол – мулк, ашё ёки мулкый ҳуқуқ ҳада олувчининг шахсан ўзигагина тегишли бўлади. Айтайлик эр – хотиннинг никоҳ давомида (ёки никоҳга қадар) ҳада ҳисобига ортирган мол – мулклар улардан ҳар бирининг ўз мулки ҳисобланади. Бинобарин, ундан ҳақ ундиришга ёки бошқача тарзда ўзлаштиришга фақат мулкдорнинг розилиги билангина йўл қўйилади.

2 БОБ. Ҳада шартномаси тарафларининг ҳуқуқ ва мажбуриятлари.

2.1. Ҳада шартномасида тарафларнинг ҳуқуқ ва мажбуриятлари.

Фуқаролик-ҳуқуқий муносабатлар иштирокчисининг субъектив фуқаролик ҳуқуқи қонун ҳужжатларида унга берилган ўзгашахслардан тегишли хулқ-атворда бўлишни талаб этиш ҳуқуқи сифатида кўрилади¹.

Шартнома юзасидан тарафларнинг ҳуқуқ мажбуриятлари уни бажаришдан бош тортишга, ҳадяни бекор қилиш шароитлари билан ўзвий боғлиқ энг умумий ҳолда, ҳада бўйича шадя қилувчининг мулкӣ ёки унга нисбатан бўлган мулкӣ ҳуқуқни ҳада олувчига топширишга, ҳада олувчи эса уни қабул қилиб олишга мажбур ҳисобланадилар. Бироқ, айти пайтда, кўйдаги ҳолларда: биринчидан, ҳада қилувчининг моддий аҳволи жиддий ёмонлашганлиги туфайли, у келгусида ҳада олувчига ашёнӣ ёки мулкӣ ҳуқуқни ёхуд мулкӣ мажбуриятдан озод этиш ваъда қилинган шартномани бажаришдан бош тортишга ҳақли. Лекин ҳада қилувчининг бундай аҳволга тушиб қолиши олдиндан маълум бўлмаслиги лозим.

Иккинчидан ҳада олувчи ҳада қилувчининг, унинг оила аъзоларининг ёки яқин қариндошларининг ҳаётӣ ёки соғлиғига қарши атайлаб жиноят содир қилинган ҳолларда ҳада қилувчи шартномани бажаришдан бош тортишга ҳақлидир (бундай ҳолларда шартномани бекор қилишга суд тартибида йўл кўйилади). Шунӣ эслатиш керакки, юқоридаги асослар ҳада қилувчининг айбини истисно этганлиги сабабли, унинг ҳада шартномасини бажаришдан бош тортиш ҳада олувчига бу билан боғлиқ зарарни қоплашни талаб қилиш ҳуқуқини бермайди юқоридаги айтганимиздек, ҳада бўйича тарафларнинг субъектив ҳуқуқ ва бурчлар ҳадяни бекор қилиш билан ўзвий боғлиқ. Масалан, ҳада олувчи ҳадядан кўйидаги ҳолларда воз кечиши мумкин; биринчидан, ашёнӣ нобуд бўлиши туфайли; иккинчидан, ашёнӣ фуқаролик муомаласида бўлмаганлиги туфайли (ФКнинг 82-моддаси); учинчидан, ваъда қилинган ҳаракатларни содир этиш учун чеклашлар мавжуд бўлса.

Бундай мажбуриятлар, одатда бажариш мумкин бўлмаганлиги туфайли бекор қилинади. Бироқ ашёнӣ ҳада қилувчининг қасддан ёки эҳтиётсизлигидан содир этган ҳаракатлари оқибатида нобуд бўлса, у ҳада олувчига етказган зарарларини қоплаш мажбуриятини олади. Ҳада қилувчининг субъектив ҳуқуқлари ҳал қилувчи роль ўйнаганлиги ва шахсга текинга ўтказилганлиги боис, ушбу муносабатларда қонунчилик ҳада қилувчига бир қатор устуворликлар беради чунончи, агар ҳада олувчининг ҳада қилувчи учун катта номулкӣ қийматга эга бўлган ҳада буюмга нисбатан муомаласи унинг бутунлай йўқ бўлиб кетиши хавфини солса, ҳада қилувчи ҳадяни суд тартибида бекор қилишга ҳақли, демак, бу ҳада олувчининг ҳадага нисбатан виждонан муносабатда булишига ва уни сақлаш мажбуриятини юклайди. Шунингдек манфаатдор шахснинг талабига биноан суд яқка тадбиркор ёки юридик шахснинг банкротлик туғрисидаги қонун, қонун ҳужжатлари қоидаларини бузиб, банкрот деб эълон қилишидан олдинги бир йил ичида тадбиркорлик фаолияти билан боғлиқ маблағлар ҳисобидан қилган ҳадясини бекор қилиши мумкин. Бу ҳолат, шубҳасиз, кредиторларнинг манфаатларини кўзлаб амалга оширилади.

Ҳада шартномасида ҳада олувчи ҳада қилувчидан олдин вафот этган тақдирда ҳада қилувчининг ҳадяни бекор қилиш ҳуқуқи шарт қилиб қуйилиши мумкин. Бу жиҳатдан ҳадяни шартли битимлар сирасига кириши мумкин (ФКнинг 104-моддаси).

¹ Караходжаева Д.М. Гражданское право: субъект, объект и содержание правоотношения в условиях рынка. - Т.: ТГЮИ. 2004. - 10 с.

Шартли битимлар. Агар тарафлар ҳуқуқ ва бурчларини келиб чиқишини юз бериши ёки бермаслиги номаълум бўлган ҳолатга боғлиқ қилиб қўйсалар, битим кечиктириш шarti билан тузилган ҳисобланади. Агар тарафлар ҳуқуқ ва мажбуриятларининг бекор бўлишини юз бериши ёки бермаслиги номаълум ҳолатда боғлиқ қилиб қўйсалар бундай битим бекор бўлиш шarti билан тузилган ҳисобланади. Агар шартнинг юз беришга унинг юз беришдан манфаатдор бўлмаган тараф инсофсизлик билан қаршилик кўрсатган бўлса, бу шарт юз бермаган деб ҳисобланади. Агар шартнинг юз беришига ушбу шартнинг юз беришдан манфаатдор бўлган тараф инсофсизлик билан ёрдамлашган бўлса, бу содир бўлмаган ҳисобланади. Ҳадя бекор қилинган ҳолларда ашё ҳадя қилувчига, агар у ҳадя бекор қилинган пайтида асл ҳолатда сақланиб қолган бўлса, қайтарилиши лозим. Ҳадя олувчининг ҳадядан олган даромадлари унинг ўз тасарруфида қолади. Агар ашё учинчи шахсларга ўтказилган бўлса, уни қайтаришнинг иложи бўлмайди. Бордию, ҳадя қилувчи олувчининг ҳадяни қайтариб бермаслик учун учинчи шахсларга ўтказилганлигини исботласа, у ҳадя олувчига нисбатан даъво қўзғатиш ҳуқуқига эга бўлади. Агар ашё тарафларнинг ўзаро келишуви асосида ҳадя қилувчига қайтарилгудек бўлса, бундай келишувни янгидан тузилган ҳадя деб тушуниш мумкин. Ҳадя текинга тузиладиган бўлганлиги боис ҳадя олувчи топширилаётган мулкнинг сифатсизлиги ҳақидаги талабларни қўйишга ҳақли эмас. Албатта, топширилаётган ашё сифатсиз, бутсиз унинг камчиликлари бўлиши мумкин, бироқ бу ҳадя олувчининг ҳаёти, соғлиғи ёки мол-мулкига зарар етказмаслиги керак. Бундай ҳолларда ҳадя қилувчининг бу ҳақда ҳадя олувчини огоҳлантиганлиги исбот қилиниши талаб этилади. Ҳадя шартномасини бажаришдан бош тортиш ва ҳадяни бекор қилиш мумкин бўлмаган ҳоллар.

Ҳадя шартномасини бажаришдан бош тортиш ва ҳадяни бекор қилиш тўғрисидаги қоидалар оғзаки тузилган ҳадя шартномаларига нисбатан қўйилмайди. Агар ҳадя қилувчини, ҳадя олувчини огоҳлантирмаганлиги исбот қилган бўлса Ўзбекистон Республикасининг Фуқаролик кодексининг 57 бобида назарда тутилган қоидаларига мувофиқ ҳадя қилувчи томонидан қопланиши лозим. ~айриқонуний ҳаракат (ҳаракатсизлик) туфайли фуқаронинг шахсига ёки мол - мулкига етказилган зарар шунингдек юридик шахсга етказилган зарар шу жумладан бой берилган фойда зарарни етказган шахс томонидан тўлиқ ҳажимда қопланиши лозим. қонунда зарарни тўлаш мажбурияти зарар етказувчи бўлмаган шахсга юклатилиши мумкин. Қонун ҳужжатларида ёки шартномада жабирланувчиларга зарарни тўлашдан ташқари товон тўлаш мажбурияти белгилаб қўйилиш ҳи мумкин. Зарар етказган шахс, агар зарар ўз айби билан етказилмаганлигини исботласа, зарарни тўлашдан озод қилинади. қонунда зарар етказган шахснинг айби бўлмаган тақдирда ҳам зарарни тўлаш назарда тутилиши мумкин. қонуний ҳаракатлар туфайли етказилган зарар қонунда назарда тутилган ҳолларда тўланиши лозим. Агар зарар жабирланувчининг илтимоси ёки розилиги билан етказилган бўлса, зарар етказилган бўлса, зарар етказилган шахснинг ҳаракатлари эса жамиятнинг ахлоқий томоийилларини бузмаса, зарарни тўлаш род этилиши мумкин.

Товарнинг конструктив, рецептуравий ёки бошқа нуқсонлари оқибатида, шунингдек товар туғрисидаги маълумот нотўғри ёки етарли эмаслиги оқибатида фуқаронинг ҳаёти, соғлиғи ёки мол-мулкига ёхуд юридик шахснинг мол-мулкига етказилган зарар сотувни ёки тайёрловчи (ҳадя қилувчи) торононидан, уларнинг айбидан ва жабирланувчи улар билан шартнома муносабатларида бўлгани ёки бўлмаганидан қатъи назар, қопланиши лозим (ФКнинг 1017- моддаси). Мазкур шартноманинг ўзига хос жиҳатларидан бири бу ҳадя ваъда қилинганда ҳуқуқий ворислик масаласидир. ФКнинг 510-моддаси мазмунига кўра, ҳадя шартномасига мувофиқ ҳадя ваъда қилинганда ҳадя олувчининг ҳуқуқлари унинг меросхўрлари (ҳуқуқий ворислари) га ўтмайди, ҳадя беришни ваъда қилган шахснинг мажбуриятлари

унинг меросхўрлари (ҳуқуқий ворислари) га ўтади. Демак, ҳадя қилишда ҳадя берувчининг ваъдаси муайян ҳуқуқий аҳамиятга эга, яъни у келгусида фуқаролик ҳуқуқ ва бурчларини келтириб чиқаради. Ҳадя олувчи ўзига ҳадя топширилгунга қадар истаган вақтида уни рад этишга ҳақли. Бундай ҳолда ҳадя шартномаси бекор қилинган ҳисобланади. Агар ҳадя шартномаси ёзма шаклда тузилган бўлса, ҳадяни рад этиш ҳам ёзма шаклда амалга оширилиши керак. Агар ҳадя шартномаси рўйхатдан ўтказилган бўлса, ҳадяни қабул қилишни рад этиш ҳам давлат рўйхатидан ўтказилиши лозим. Агар ҳадя шартномаси ёзма шаклда тузилган бўлса, ҳадя қилувчи ҳадя олувчидан ҳадяни олишни рад этиши оқибатида етказилган ҳақиқий зарарни қоплашни талаб қилишга ҳақли.

Аввал айтиб ўтганимиздек ҳадя шартномаси умумий қоидага биноан асосан бир томонлама, бепул тузиладиган реал шартномалар жумласига киради. Ҳадяни топширувчида ҳадя қилиш ҳуқуқи бор, аммо ҳадя қилиш мажбурияти йўқ. Худди шундай ҳадя олувчида ҳам шартномада кўрсатилган ҳадяни қабул қилиб олиш ҳуқуқи бор, аммо ҳадяни албатта қабул қилиб олиш мажбурияти келиб чиқмайди. Чунки фуқаролар ва юридик шахслар ўзларига фуқаролик ҳуқуқ ва мажбуриятларини келтириб чиқаришда эркин ҳисобланадилар. Фуқаролик ҳуқуқ ва мажбуриятларини ўзларининг хоҳишига қараб амалга оширадилар. Фуқаролик Кодексининг 9-моддаси қонунда кўра фуқаролар ва юридик шахслар фуқаролик ҳуқуқини, жумладан уни ҳимоя қилиш ҳуқуқини ҳам хоҳишларига кўра эркин тасарруф қилиши ҳуқуқи мустаҳкамланган. Фуқароларнинг ўз ҳуқуқларини хоҳишларига кўра тасарруф қилиш ҳуқуқи келажақда бундай ҳуқуқларнинг бекор бўлишига олиб келмайди. Ҳадя олувчининг ҳадя олишни рад этиши келажақда бу рад этишдан воз кечишга бўлган унинг ҳуқуқини амалга оширишда жамиятнинг маънавий томонлари ва ахлоқий нормалари фуқаролар томонидан ҳурмат қилинишини белгилайди. қонунда бу ҳолатнинг мустаҳкамланишини, биринчидан ҳар қандай битим уни тузувчиларнинг эркини ифода этишида, иккинчидан ҳадя олувчининг ҳадя берувчи олдида моддий ёки маънавий мажбуриятли бўлиб қолмаслик ҳуқуқини намоён бўлишини ифода қилади. Ҳадя шартномаси ижро қилингунга қадар ҳар иккала томон шартномани бажаришдан бир томонлама бош тортишлари мумкин. Шартномани бажаришни рад этиш, ҳадя қилиш шартномасининг шаклига мос келади. Башарти ҳадя шартномаси оғзаки шаклда тузилган бўлиб, ушбу у ҳадя нарсаси ҳали топширилмаган бўлса, уни рад этиш ҳам худди шу усулда амалга оширилади. Бунинг учун ҳадя олувчининг "Мен ҳадяни қабул қилмайман" деб оғзаки ифода этиши шарт бўлмай, балки ҳадя нарсасини олишни рад этиш маъносига индамаслигининг ўзи битимни тузишга хоҳиши йўқлигини билдиради. Шунини айтиш керакки ҳадя қилинаётган ашёлар (масалан, автомашина, уй-жой ва ҳоказолар) давлат рўйхатидан ўтказилиб ҳадя қилинган бўлса, ҳадяни қабул қилишни рад этувчи ҳадяни қабул қилмаслик ҳақидаги эркини ёзма ифода қилиб, рўйхатдан чиқариш орқали амалга оширади.

Агар ҳадя шартномаси ёзма шаклда тузилган бўлиб, ҳадя олувчининг ҳадя берувчининг ҳадясини қабул қилишни рад этиши туфайли ҳадя берувчига етказилган ҳақиқий зарарни тўлаши лозим бўлади. Бунда ҳақиқий зарар деб нимани тушуниш лозим эканлигини аниқлаш керак. Ҳақиқий зарар ҳадя объектни ҳадя олувчига топшириш билан боғлиқ харажатлари ва ҳадяни топшириш жараёнида ҳадя объектни топширувчининг айби бўлмасдан туриб унга етказилган зарарлар, яъни ашёнинг сифати бузилиши ёки миқдорининг камайиши ҳақиқий зарар деб қаралиши лозим.

Юридик шахс хўжалик юритиш ёки оператив бошқариш ҳуқуқи асосида ўзига қарашли бўлган ашёни, агар қонунда бошқача тартиб назарда тутилган бўлмаса, мулкдорнинг розилиги билан ҳадя этишга ҳақли. Бу чеклаш қиймати катта бўлмаган одатдаги совғаларга тааллуқли эмас.

Ҳада қилувчига тегишли учинчи шахсдан талаб қилиш ҳуқуқини ҳада қилиш ФКнинг 313-317,319 ва 320-моддаларида назарда тутилган қоидаларга риоя этган ҳолда амалга оширилади.

Ижара ҳуқуқини ёки бошқаларнинг ашёсига ўзгача ҳуқуқни унинг мулкдорининг ёки унга нисбатан ҳўжалик юритиш ёхуд оператив бошқариш ҳуқуқига эга бўлган шахснинг розилигисиз ҳада қилишга, агар бундай ҳуқуққа асос бўлган қонунда ёки шартномада уни мазкур шахслар розилигисиз бошқа шахсларга бериш тақиқланмаган бўлса, йўл қўйилади.

Ҳада олаётган шахс ўрнига унинг учинчи шахс олдидаги мажбуриятини бажариш йўли билан ҳада қилиш ФКнинг 241-моддасининг биринчи ва иккинчи қисмларида назарда тугалган қоидаларга риоя этган ҳолда амалга оширилади.

Ҳада олувчининг учинчи шахсдан қарзини ҳада қилувчининг ўзига олиши йўли билан ҳада қилиш ФКнинг 322-моддасининг биринчи ва иккинчи қисмларида назарда тутилган қоидаларга риоя этган ҳолда амалга оширилади.

Ҳада олувчининг номи ва ҳада нарсаси кўрсатилмаган ҳада ни вакил томонидан амалга ошириш ишончномаси ўз-ўзидан ҳақиқий эмас.

Эквивалент - эвазли иқтисодий муносабатга асосланган жамият ҳуқуқида умуман бепул тузиладиган айниқса, ҳада шартномаси доимо шубҳа туғдириб туради. Айниқса, ташқи кўринишидан ҳада шартномаси шаклини бериб (ФК 124-моддасининг 2-қисмига қаранг), унинг ниқоби остида бепул тузиладиган шартнома орқали солиқ ва божларни тўлашдан озод бўлиш каби моддий манфаатдорликни кел-тириб чиқариш истаги қўп учрайди.

Ҳада институтини амалдаги ҳуқуққа ҳилоф равишда фойдаланишга йўл қўймаслик учун амалдаги Фуқаролик Кодекси ҳада шартномасининг кўз бўяш учун тузилишининг олдини олиш мақсадида айрим тўсиқларни белгилайди (Фуқаролик Кодексининг 502-модда, 2-қисми).

Бундай битимни тузишни чеклашнинг махсус сабабларига қараб 3 гуруҳга ажратиш мумкин:

- Биринчидан, мулк эгаси бўлмаган шахс томонидан мулкни унинг эгаси манфаатига ҳилоф равишда бепул фойдаланиш ҳолларининг олдини олиш учун ФК мулкдор ҳуқуқини қўриқлаш мақсадида мулк эгаси бўлмаган шахс томонидан мулкни ҳада қилиш мумкин эмаслигини мустаҳкамлаган.

1. Руҳий касаллиги ёки вояга ешаганлиги туфайли ҳомийликда бўлган фуқароларнинг мулкни ҳада қилиш ҳоллари фақат васийлик ва ҳомийликни амалга оширадиган идораларнинг розилиги орқали амалга оширилиши мумкин (32-модда ва 37-модданинг 2-қисми). Аммо бундай идораларнинг розилиги билан қилинган ҳада ҳам оддий ҳада деб қараладиган ҳолатда бўлиши лозим (505-модданинг 2-4 банди, 506-модда 1-қисми). Бундан ташқари ҳада олувчи билан мулкни бепул бераётган мулк эгаси ўртасидаги қариндошлик ёки бошқача яқинлик берилаётган ҳада нинг ҳақиқатан ахлоқ-одоб нормалари доирасида қилинаётганлигидан далолат бериб туриши керак. Аммо бунда оғзаки шаклда қилинаётган ҳада буюмининг баҳоси энг кам ойлик иш ҳақини иш баравар миқдоридан ортиқ бўлмаслиги керак (ФК 108-моддасининг 2-банди).

2. Ҳўжалик юритиш ва оператив бошқариш ҳуқуқи асосида иш юритадиган юридик шахслар ўзларининг эгалигидаги мулкни фақат мулкдорнинг розилиги билангина амалга оширилиши мумкин. Бу қоида ҳамма мулкка нисбатан, жумладан, қўчар мулкка нисбатан ҳам татбиқ қилинади (505-модда 1-қисми, 177-модда 3-қисми). Истисно тариқасида унча қиммат бўлмаган оддий ҳадалар мулкдорнинг розилигисиз амалга оширилиши мумкин.

3. Ишончнома орқали тузилган ҳада шартномаси башарти бу ишончномада қандай предмет ва уни аниқ кимга ҳада қилиниши кўрсатиб қўйилсагина ҳақиқий

ҳисобланади (505-модданинг 7-қисми). Ишончномада бундай маълумотларнинг кўрсатилмаслиги шартномани ҳақиқий саналмаслигига сабаб бўлади (Фуқаролик Кодексининг 116, 114, 132, 130-моддалари).

Иккинчидан, Фуқаролик Кодекси ҳўжалик юритиш ҳуқуқи ёки оператив бошқариш ҳуқуқи асосида юридик шахсларга тегишли бўлган мулкни ҳадя қилишлари мумкинлигини белгилайди, Аммо бунинг учун мулкдорнинг розилиги талаб қилинади (ФК 505-моддаси 1-қисм). Фуқаролик Кодексининг бундай тартибни белгиллаган ушбу қонунда юридик шахс ихтиёрида бўлган ўзига қарашли қиймати унча катта бўлмаган одатдаги совғаларга таллуқли эмас. Бундай қонданинг белгиланишидан мақсад тадбиркорлик билан шуғулланишни мақсад қилган (ФКнинг 40-моддаси) юридик шахс (тижоратчи ташкилот) фаолияти фойда олиш эканлиги нуқтаи назаридан унинг мулкни ҳадя қилиши, яъни бепул бошқа шахсларга ўтказиши шубҳали ҳисобланиб, у ҳақ эвазига тузадиган шартномаларни ҳаспўшлаб ўтиш орқали солиқ ва шу каби бошқа тўловлардан ўзини холи қилишни мақсад қилиб қуйишлигидандир. Шу муносабат билан бундай битимлар юридик шахсларнинг устав фаолият мақсадларига ҳилоф деб қаралиши ва бундай битимлар суд томонидан ҳақиқий эмас деб топилиши мумкин.

Чунки мулкни бепул бошқа ташкилотга бериши орқали у кредиторлар ҳамда давлат манфаатига путур етказиши мумкин. Истисно тариқасида юқорида кўрсатилган ташкилотлар ўртасида қилинадиган оддий ҳадялар амалга оширилиши мумкин¹.

Учинчидан, Фуқаролик Кодексидаги ҳадя берувчининг ҳадя олувчига тобе деб тахмин қилинган ҳолат учун тобе нуқтаи назари ва улар ўртасида бепул тузиладиган шартномавий мулк муносабатларининг вужудга келиши мақсадга мувофиқ эмаслигидир. Бундай чеклашлар 505-модданинг 2-3 бандларида кўрсатилган.

Фуқаролик Кодексининг бу нормаларини, айниқса 505-модда 3-бандини татбиқ этишда бу қонунда фақат фуқаролик-ҳуқуқий битимларгагина тааллуқли бўлиб, жиноят қонунлари, маъмурий қонунлар билан белгиланган тартибда ҳадя топширилган ҳолатларга таъсир қилмайди.

Ҳадя шартномасига мувофиқ берилган мулк ҳадя олувчидан қайтариб олинishi Фуқаролик Кодексида янги норма ҳисобланади. Ҳадя шартномасини бажаришдан бош тортиш, одатда, ҳадя шартномаси қонун талаб қилган шаклда расмийлаштирилган ва ҳадя нарсаси ҳадя олувчига топширилган ёки шартнома тузилиб, у ҳали ижро этилмаган ҳолларда, ҳадя берувчининг ўзига боғлиқ бўлмаган сабабларга кўра моддий аҳволи ёмонлашса, масалан: корхонада меҳнат қилиш натижасида тан жароҳати олиб, оқибатда меҳнат қобилияти пасайса (ногиронлик туфайли) ва тегишлича оладиган маошининг камайishi ҳадя шартномасининг бекор қилиниши учун асос ҳисобланади. Бундан ташқари ҳадя берувчига тегишли бўлган унинг кўчмас мулки (ёки кўчар мулки)нинг қишки офат таъсирида нобуд бўлиши, бузилиши ёки унинг ўлими ёки истеъмол қобилиятининг камайishi, унинг муомала лаёқатининг чекланган бўлиши ёки ҳадя қилиш ҳақида берилган ваъданинг тақикланган бўлиши ҳам ҳадя шартномасини бекор қилиш учун асос ҳисобланади.

Ҳадя берувчининг жиддий аҳволининг ёмонлашиши жумласига Фуқаролик Кодекси 57-моддаси тартибида юридик шахсниш ночор (банкрот) деб топилиши натижасида, кредиторларининг талабларини қондиришга қурби етмаслиги туфайли ўз томонидан қилинган ҳадяни бажаришдан бош тортиши мумкин бўлган ҳолларни кўрсатиш мумкин.

¹ Ўзбекистон Республикасининг фуқаролик кодексининг иккинчи қисмига шарҳлар. 2-жилд 1-китоб. - Т.: Иқтисодиёт ва ҳуқуқ дунёси. 1998. - 228 б.

Шарҳланаётган модданинг биринчи ва иккинчи қисмларида назарда тутилган сабаблар туфайли ҳада қилувчи ҳада шартномасини бажаришдан бош тортган бўлса ва бунинг натижасида ҳада олувчига зарар етказилган бўлса, у зарарни қоплашни талаб қилиш ҳуқуқига эга бўлмайди. Лекин, агар мол-мулк ҳада қилувчининг қасди билан ёки унинг қўпол ҳаракатлари, эҳтиётсизлиги натижасида нобуд бўлган бўлса, у ҳада олувчига етказилган зарар учун жавоб беради.

ФК 507-моддасининг 1 -қисмида назарда тутилган асосларга кўра, яъни олувчига ҳада қилувчи, ёки унинг оила аъзолари томонидан соғлиғига қарши атайлаб жиноятлар содир қилинганида ҳада шартномасини бажаришдан бош тортиши мумкин. Башарти ҳада нарсаси топширилган бўлса, шартнома бўйича берилган ашёнинг ўзига қайтарилишини ва шартнома бекор қилинганлигини сўраб судга мурожаат қилишга ҳақли. Ҳада қилиш шартномаси ҳақиқий мулкдорга шахсий мулк ҳуқуқи асосида тегишли ёки унинг бошқарувида бўлиши билан бир қаторда қонун йўл қўйган асосларга кўра шартнома тузилган пайтда бошқа шахсларнинг ашёвий ҳуқуқларини ўтказишдан бош тортиш мумкин.

Бунинг учун ўзининг мулкӣ аҳволининг ёмонлашуви туфайли шартноманинг бекор қилинаётганлигини изоҳлаш етарли ҳисобланади. Бундай ашёвий ҳуқуқлар олинадиган даромад (дивиденд) фоизлари шаклида ҳам бўлиши мумкин.

Қонунда бундай ҳолат мулкдор ва унинг оила аъзоларини ҳаёт кечириши учун зарур моддий таъминотни сақлашга бўлган ҳуқуқни ҳимоя қилиш мақсадида амалга оширилади.

Ҳада олувчи ҳада қилувчининг, унинг оила аъзолари ёки яқин қариндошларининг ҳаёт ёки соғлиғига қарши атайлаб жиноят содир қилган ҳолларда ҳада бекор қилишга суд тартибида йўл қўйилади. Ҳада олувчи ҳада қилувчини қасддан ўлдирган тақдирда ҳада қилувчининг ворислари судда ҳада бекор қилишни талаб этиш ҳуқуқига эга. Авф ҳада олувчининг ҳада қилувчи учун катта номулкий қийматга эга бўлган ҳада буюмга нисбатан муомаласи унинг бутунлай йўқ бўлиб кетиши ҳавфини солса, ҳада қилувчи ҳада бекор этилишини суд тартибида талаб қилишга ҳақли. Манфаатдор шахснинг талабига биноан суд яқка тадбиркор ёки юридик шахснинг банкротлик тўғрисидаш қонун ҳужжатлари қоидаларини бузиб, банкрот деб эълон қилинишидан олдинги бир йил ичида тадбиркорлик фаолияти билан боғлиқ маблағлар ҳисобидан қилган ҳадасини бекор қилиши мумкин.

Ҳада шартномасида ҳада олувчи ҳада қилувчидан олдин вафот этган тақдирда ҳада қилувчининг ҳада бекор қилиш ҳуқуқи шарт қилиб қўйилиши мумкин. Ҳада бекор қилинган тақдирда ҳада олувчи ҳада қилинган ашёни, агар у ҳада бекор қилинган пайтда асл ҳолатда сақланиб қолган бўлса, қайтариши лозим. Ушбу модда қоида билан ҳада қилувчига маълум ҳолатларда ҳада олувчидан ҳада предмети қайтариб олишни талаб қилиш учун ҳуқуқ берилади. Ҳада бекор қилиш учун шарҳланаётган моддада назарда тутилган алоҳида ҳолатларда ёки битимни ҳақиқий эмас деб ҳисоблаш ҳақидаги ФКда назарда тутилган қоидаларга биноан йўл қўйилади.

Одатда маълум ашёни ҳада қилиш орқали фуқаролар ҳада олувчига ўзининг самимиятини, ҳурматини ифода қилади ва унинг маънавий ва мулкӣ аҳволини яхшилашни мақсад қилиб қўяди. Бундан ташқари мулкдор ҳада шартномаси орқали ўзининг яхши ҳис-туйғуларини ифода қилади. Одатда ҳада қилувчи ўзининг бу ҳаракати билан бўлсада ҳис-туйғуга жавобан ҳада олувчида ҳам шундай ҳис-туйғуни кутади. Бундай ҳис-туйғунинг ўрнига ҳада қилувчига нохушлик келтирадиган ҳаракатлар, хусусан унинг ўзига, оила аъзоларига ёки яқин қариндошларининг ҳаётига, соғлиғига қарши атайлаб жиноят содир қилинганида ҳада берувчи шартномасини бекор қилиб, ҳада нарсасининг ўзига қайтарилишини суд орқали талаб қилиши мумкин. Бунда ҳада қилувчи ёки унинг оила аъзоларига нисбатан содир этиладиган жиноят қасддан атайлаб

содир этилган бўлиши керак. Бунда шартномани бекор қилиш учун зарар етказилган ёки етказилмаганлигининг аҳамияти йўқ. Чунки агар зарар етказилганлиги белгиси мавжуд бўлса, зарар умумий асосларда зарар етказишдан келиб чиқадиган муносабатларни тартибга соладиган (деликт мажбурияти) фуқаролик-ҳуқуқий нормалар асосида ундирилади. Башарти содир қилинган жиноят туфайли ҳада қилувчи вафот этган тақдирда марҳумнинг қилган ҳадясининг қайтарилишини ҳуқуқни қабул қилиш тартибида унинг қонуний ворислари мерос олиш навбатида қараб суд орқали талаб қилишга ҳақли. Мазкур модданинг учинчи қисмида фуқаролар томонидан ҳада қилинган катта номулкий қийматга эга бўлган ҳада буюмига нисбатан ҳада олувчи лозим даражада етарли яхши муносабатда бўлмаганида шартномани бекор қилиб, буюмини қайтариб олишга бўлган ҳуқуқ ҳақида қоида белгиланган.

Башарти ҳада олувчининг ҳада қилувчи учун катта номулкий аҳамиятга эга бўлган ҳада буюмига нисбатан муомаласи унинг бутунлай йўқ бўлиб кетиши хавфини солса, ҳада қилувчи ҳада шартномасини бекор қилишни суд тартибида талаб қилишга ҳақли ҳисобланади (ФКнинг 507-моддаси). Ҳада қилинган санъат асари (ноёб табиат тасвири, қўлёзма асари ва ҳоказо) ҳада олувчи томонидан ертўлада сақланаётган бўлса, асарга нисбатан бундай муомала асарнинг бутунлай йўқ бўлиб кетиш ёки яроқсиз ҳолга келиб қолиш хавфини туғдиради деб қараш керак¹.

Тўртинчи қисмда якка тадбиркор ёки юридик шахс корхонанинг банкротлигини белгилайдиган қонун ҳужжатларини бузиб, банкротликни келтириб чиқарса ва шу банкротликни келтириб чиқаришни мақсад қилиб, аввалдан юридик шахс ёки якка тадбиркор кредиторлар олдидаги мажбуриятини бажармасликни мақсад қилиб, бу ҳолатни ниқоблаш учун пул, қимматбаҳо қоғозлар ва ашёларни ҳада қилиш асосида бошқа шахсларга ўтказган бўлса, бу ҳолат суд тартибида тасдиқланса, манфаатдор томонлар (аксарият ҳолларда кредиторлар)нинг талаби билан бундай ҳада шартномаси суд томонидан ҳақиқий эмас деб топилиши мумкинлиги белгиланган. Бунда сохта ёки ғараз мақсадда тузилган шартноманинг предмети тадбиркорлик фаолияти ҳисобидан олинган маблағ ёки ашё ҳисобидан қилинган бўлиши шарт. Ҳада шартномаси фуқаролар ўртасида тузилганида ҳада қилувчи ҳада нарсасини олувчининг ўзидан аввал вафот этиши эҳтимолини назарда тутиб шартномада ашёнинг ўзига қайтарилишини кўрсатиб қўйиши мумкин. Чунки бундай ҳада шартномаси уни олувчининг тириклигида моддий ва маънавий эҳтиёжини қаноатлантиришини мақсад қилиб қўлган бўлади.

ФКнинг 508-моддасига мувофиқ, ҳада шартномасини бажаришдан бош тортиш ва ҳада бекор қилиш тўғрисидаги қоидалар оғзаки тузилган ҳада шартномаларига нисбатан қўлланмайди.

Ушбу модданинг мазмунидан ФКнинг 506 (ҳада шартномасини бажаришдан бош тортиш), 507 (ҳада бекор қилиш) моддаларида назарда тутилган алоҳида ҳолатларда ҳада бекор қилишга йўл қўйилиши мумкинлиги ҳақида қоидалар англашилади. Лекин, агар ҳада оғзаки, яъни Кодекс 504-моддасининг учинчи қисмига биноан энг кам иш ҳақининг ўн бараваридан кам суммада амалга оширилган булса, бундай ҳада бекор қилинмайди. Бундай қоида фуқаролар муаммоларининг барқарор бўлишини таъминлашга қаратилади.

Фуқаролик ҳуқуқида битим тузиш эркинлиги қонун тамойил (принципи) даражасида белгиланади (ФКнинг 1-моддаси). Шу нарсани таъкидлаш муҳимки, Фуқаролик Кодекси битим тузиш эркинлигини эълон қилибгина қолмасдан, унинг кафолатини мустаҳкамлаб, моҳиятини очиқ беради². ФКнинг 433-моддаси фуқаролар ва

¹ Гражданское право.Т.2. /Под ред. Толстого Ю.К., Сергеева А.П -М.: Проспект.1998.-126 с.

² Раҳмонкулов Ҳ.Р..Ўзбекистон Республикаси фуқаролик кодексининг биринчи қисмига умумий тавсиф ва шарҳлар.-Т.:Иқтисодиёт ва ҳуқуқ дунёси.1997.-251 б.

юридик шахслар шартнома тузишда эркин бўлиб, уларни шартнома тузишга ҳеч ким мажбур қилолмаслигини белгиланди. қонунда ёки ихтиёрий олинган мажбуриятда назарда тутилган ҳоллар бундан мустасно. Ҳада шартномаси ҳамма шартномалар каби томонлар эркининг ифода этилиши ҳисобланади. Ҳада шартномаси асосан бир томонлама деярли реал ва бепул тузиладиган шартномалар жумласига кириб, «реал» сўзи латинча - сўз бўлиб, асл маъносини беради. Агар ашё топширилмаса шартнома тузилмаган ҳисобланади¹.

Шарҳланаётган модданинг мазмунидан маълум бўлишича, 508-модданинг қонидаси фақат оғзаки тузиладиган шартномаларга тааллуқлидир.

Фуқаролик Кодексининг биринчи моддасининг мазмунига кўра, ҳаммада битим тузиш ҳуқуқи бор, аммо ҳамма битим тузишга мажбур эмас. Худди шу тамойилдан келиб чиқиб, ҳамма шахсларда ҳада қилиш ҳуқуқи бор ва шунга мувофиқ, ҳамма шахсларда ҳада олиш ҳуқуқи бор, аммо ҳамма ҳам ҳада нарсасини олишга мажбур эмас. Чунки мулкни ҳада қилиш ва ҳада қилиб олиш икки томонлама эркининг ихтиёрий ифода қилиниши ҳужжати ҳисобланади. Мулкдорнинг бу ҳуқуқининг дахлсизлиги, мутлақ эгаси эканлигидадир.

ФКнинг 509-моддасига биноан, ҳада қилинган ашёдаги камчиликлар туфайли ҳада олувчининг ҳаёти, соғлиғи ёки мол-мулкига етказилган зарар, агар бу камчиликлар ашё ҳада олувчига топширилгунга қадар пайдо бўлгани аниқ кўриниб турган камчиликлар жумласига кирмаслиги ва ҳада қилувчи бу ҳақда билган бўлса-да, ҳада олувчини огоҳлантирмаганлиги исбот қилинган бўлса, ФКнинг 57-бобида назарда тутилган қоидаларга мувофиқ ҳада қилувчи томонидан қопланиши лозим.

Маълумки, ҳада шартномасида ҳада қилинаётган мулкнинг аниқ номи, миқдори, баҳоси кўрсатилиб, бундай ашё исмеъмол қийматига эга бўлиши лозим. Мулк хусусий ва жисмий аломатлари билан белгиланадиган, фуқаролик-ҳуқуқий муносабатларда эркин суратда бошқа шахсларга берилиши мумкин бўлган ашёлар бўлиши лозим. Ҳада қилинган ашёдаги камчиликлар туфайли ҳада олувчининг ҳаёти, соғлиғи ёки мол-мулкига етказилган зарар, агар бу камчилик ашё ҳада олувчига топширилгунга қадар пайдо бўлиши, аниқ кўриниб турган камчиликлар жумласига кирмаслиги ва ҳада қилувчи бу ҳақда билган бўлсада, ҳада олувчини огоҳлантирилмаганлиги исбот қилинган бўлса, ҳада қилувчи томонидан қопланиши лозим. Агар ҳада нарсасининг камчиликлари уни ҳада олувчига топшириш пайтида аниқ кўриниб турган бўлиб, бу камчиликлар сабабли унга зарар етказилган бўлса, бундай зарар учун ҳада қилувчи жавобгар бўлмайди. Бундай ҳолда ҳада олувчига етказилган зарарни қоплаш Фуқаролик Кодекси 985-моддасида назарда тутилган умумий қоидаларга асосан ҳал қилинади.

Ушбу модда қонидасига кўра ҳада қилувчи ҳада қилган ашёсининг тузилиши, таркибида ёки бошқа нуқсонлари бўлса ва у бу ҳолатни билиб туриб ҳада қилган бўлса, шу товарниш камчилиги туфайли етказилган зарарни қоплаши белгиланган. Фуқаролик Кодексининг 1017-1020-моддалари қонидасига мувофиқ бундай зарар сотувчи ёки товарни ишлаб чиқарган корхона томонидан тўланиши лозим. Истеъмолчилар ҳуқуқларини ҳимоя қилиш тўғрисидаги (1996 йил 26 апрель Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлиси қабул қилган қонун ва қарор) қонуннинг 4-моддасига мувофиқ истеъмолчилар ўзларининг ҳаёти, соғлиғи ва мол-мулки учун хавфли нуқсонли булган товар, шунингдек ишлаб чиқарувчи (ижроочи, сотувчи)нинг ғайриқонуний ҳаракати (ҳаракатсизлиги) туфайли етказилган моддий зиён, маънавий зарарнинг тўлиқ ҳажмда

¹ Ўзбекистон Республикасининг фуқаролик кодексининг иккинчи қисмига шарҳлар. 2-жилд 1-китоб. - Т.: Иқтисодиёт ва ҳуқуқ дунёси. 1998. - 224 б.

қопланишини улардан талаб қилишга ҳақли ҳисобланади¹. Бундай жавобгарлик товарлар ишлаб чиқарувчи билан бир қаторда, товар ишлаб чиқариш иормативларини тасдиқлаган мувофиқлик сертификати берган орган учун ҳам белгиланган (қонуннинг 12-моддаси). Демак, бу модда қонунда кўра зарарни қоплаган ҳада берувчи, агар зарар ўзининг айби билан етказилмаганини исботласа, уни ишлаб чиқарган ёки сотган ташкилот, корхонага қайтарма (регресс) даъво қилиб, ўзи тўлаган зарарни қоплашни талаб қилиши мумкин². Чунки ҳада олган шахс сотувчи ёки ишлаб чиқарувчи корхона билан ҳеч қандай ҳуқуқий муносабатда эмас. Ҳада қилинган товарнинг камчиликлари бўйича етказилган зарар бу товар ёки бошқа ашё ҳада олувчи томонидан тадбиркорлик фаолиятида фойдаланганида эмас, балки уни ўзининг моддий ёки маиший эҳтиёжларини қаноатлантириш мақсадида истеъмол қилиш жараёнида етказилган бўлиши лозим (Фуқаролик Кодексининг 1017-модда 2-қисми).

Ҳада қилинган товар ва бошқа ашёлардан фойдаланиш тўғрисидаги йўриқномада нотўғри маълумот берилганлиги туфайли ва уни фойдаланиш муддати кафолатланган бўлса, шу кафолат муддати давомида етказилгандагина бу зарар қопланиши таъкидланган. Зарар фақат ҳада олувчи фуқаронинг саломатлигига эмас, балки унинг мол-мулкига етказилганида ҳам қопланади. Умумий қоидага кўра ҳада қилинган мулк, ашё умум фойдаланишга тайинланган бўлса, масалан, телевизор ёки холодильник ҳада олувчи бўлмаган бошқа оила аъзолари билан фойдаланилаётганда тузилишидаги камчиликлар туфайли портлаши натижасида ёки ҳада қилинган дори-дармон таркибий камчилиги ё уни ишлатиш тўғрисидаги йўриқномадаги камчилик ва унинг оқибатида зарар етказилса, унинг оила аъзоларига етказилган зарар ҳам қопланиши лозим.

Ҳада шартномасига мувофиқ олинган товар, ашёнинг яроқлилик муддати тугаганидан сўнг мулкни олган шахс бажариши лозим бўлган зарур ҳаракатлар қилинмаган ёки бажарилмаган бўлса ва бу ҳақда ҳада олувчи огоҳлантирилмаган бўлса, етказилган зарар қопланиши лозим.

Башарти товарнинг камчилиги туфайли етказилган зарар табиий офат (тошқин, довул, зилзила ва хоказолар) таъсирида етказилганида ёки ҳада олувчи мол-мулкни саклаш ёки улардан фойдаланиш юзасидан белгиланган қоидаларни бузиши оқибатида етказилганлиги ҳада берувчи томонидан исботланган ҳолларда жавобгарликдан озод бўлади (Фуқаролик Кодексининг 1020-моддаси).

ФКнинг 510-моддага мувофиқ, агар ҳада шартномасида бошқача тартиб назарда тутилмаган бўлса, ҳада шартномасига мувофиқ ҳада ваъда қилинган ҳада олувчининг ҳуқуқлари унинг меросхўрларига (ҳуқуқий ворисларига) ўтмайди.

Агар ҳада шартномасида бошқача тартиб назарда гутилган бўлма-са, ҳада шартномасига мувофиқ ҳада беришни ваъда қилган шахснинг мажбуриятлари унинг меросхўрларига (ҳуқуқий ворисларига) ўтади.

Ҳада шартномаси аксарият ҳолларда бир томонлама шартномалар ҳисобланиб, фақат мулкдорнинг шахсан ўзига тегишли бўлган мулки унинг ҳада предмети ҳисобланади. Бинобарин бошқаларнинг мулки эгасининг розилигини олмасдан ҳада қилиш тўғрисидаги шартнома ҳақиқий ҳисобланмайди. Шунингдек, вояга етмаганларнинг мулкни ҳам унинг қонуний вакиллари, васийлик ва ҳомийлик идораларининг ҳада қилиши мумкин эмас. Ўлим эҳтимолини назарда тутиб ҳам ҳада шартномаси тузиш мумкин эмас. Ушбу модданинг биринчи қисмида ваъда қилинган ҳада олиши лозим бўлган ҳада олувчининг ҳада нарсасини олишга улгурмасдан вафот

¹ Бобоев Ж. Проблемные аспекты основных прав потребителей “Давлат ва ҳуқуқ” №2(14),2003.С. 19-21.

² Имомов Н. Даъво муддати институти.// Ҳаёт ва қонун. 2004.№1 Б.24-26.

этиши ёки белгиланган тартибда ўлган деб эълон қилиниши муносабати билан ҳуқуқни қабул қилувчиларнинг (ворисларнинг) ҳада нарсасига бўлган ҳуқуқлари вужудга келмаслиги ҳақида гап юритилади¹. Чунки ҳада предмети фуқаро вафот этган пайтдан бошлаб, мерос мулки массаси таркибига киради ва қонун бўйича мерос олувчиларнинг ҳуқуқлари, бурчлари ва бундай ҳада олишдан келиб чиқадиган ҳуқуқий муносабатни алмаштиришга олиб келади. Амалдаги Кодекснинг 1142-моддасида меросдан мажбурий улуш олиш ҳуқуқига эга бўлган шахсларнинг рўйхати берилган. Шарҳланаётган моддада бундай тартиб белгиланишининг аҳамияти шундан иборатки, аввалги кодексда белгиланган мерос мулкдан мажбурий ҳисса олишга ҳақли бўлган шахслар доираси бирмунча кенгайтирилиб, меросдан олинадиган улушлар ҳам ўзгарган. Аввалги кодекснинг 586-моддасида қонун бўйича ворис бўлганларда улардан ҳар бирига тегиши лозим бўлган улушининг камида учдан икки қисмини мерос қилиб олиши белгиланган бўлса, янги кодексда бу миқдор мулкнинг камида ярмидан кам бўлмаган ҳажми деб белгиланади. Янги кодексда қонун бўйича ворисларнинг бешта навбати белгиланиб, мажбурий ҳисса олишга бўлган ҳуқуқли шахсларнинг доираси анча кенгайган. Бу меҳнатга қобилиятсиз (боқинди) ворисларнинг ҳуқуқий ҳимоя қилиш нуқтаи назаридан катта аҳамиятга эга². Шунини айтиш керакки, ҳада шартномаси билан бошқача тартиб ҳам белгиланиши мумкин.

Ушбу модданинг иккинчи қисмида ҳада қилишни ваъда қилган шахс ҳада нарсасини топшира олмасдан вафот этганда унинг мажбурияти ворисларига ўтиши ҳақидаги қоида мустаҳкамланган. Кодекснинг мажбуриятларнинг бажарилиши ҳақидаги қоидаларида мажбуриятни бажаришни учинчи шахсларга юклаш мумкинлиги кўрсатилган. Кодекснинг 241-моддасида шартномадан келиб чиқиб, мажбуриятни тўла ҳажмда ёки унинг бир қисмини бажариш, агар қонун ҳужжатлари ёки шартномада назарда тутилган бўлса, учинчи шахс зиммасига юклатилиши мумкинлиги белгиланган. Бу қоидадан келиб чиқиб шарҳланаётган модда қонун бўйича ёки васият бўйича ворис бўлган шахсларга марҳум ҳаётлигида ваъда қилган ҳада нарсасини топшириш ёки маълум ишларни бажариш мажбуриятини юклайди. Бунда бир нарсага эътиборни қаратиш керак. Бунда ҳада ваъдаси қонун талаб қилган шаклда расмийлаштирилган бўлиб, аммо марҳум маълум сабабларга кўра шартномани ижро этмаган бўлиши лозим.

2.2. Хайр-эҳсон шартномаси.

Умумфойдали мақсадларда қилинган ҳада хайр-эҳсон ҳисобланади. Хайр-эҳсон фуқароларга, даволаш, тарбия, ижтимоий ҳимоя муассасаларига ва шунга ўхшаш бошқа муассасаларга, хайрия, илмий ва ўқув муассасаларига, фондларга, музейлар ва бошқа маданият муассасаларига, жамоат бирлашмалари ва диний ташкилотларга, шунингдек давлатга ва бошқа фуқаролик ҳуқуқи субъектларига қилиниши мумкин.

Хайр-эҳсонни қабул қилишга бирор кимсанинг рухсати ёки розилиги талаб қилинмайди.

Хайр-эҳсон қилувчи мол-мулкни фуқарога хайр-эҳсон қилганида бу мол-мулкдан маълум бир мақсадда фойдаланишни шарт қилиб қўйиши лозим, юридик шахсларга хайр-эҳсон қилганда эса бу шартни қўйиши мумкин. Бундай шарт бўлмаганида мол-мулкни фуқарога хайр-эҳсон қилиш оддий ҳада деб ҳисобланади, қолган ҳолларда эса хайр-эҳсон қилинган мол-мулкдан ҳада олувчи унинг вазифасига мувофиқ фойдаланади.

¹ Ўзбекистон Республикасининг фуқаролик кодексининг иккинчи қисмига шарҳлар. 2-жилд 1-китоб. - Т.: Иқтисодиёт ва ҳуқуқ дунёси. 1998. - 224 б.

² Мухамедов Р. Мерос ҳуқуқи. - Т.: 1998. - 121 б.

Аниқ мақсадда фойдаланишга мўлжалланган хайр-эҳсонни қабул қилиб олаётган юридик шахс хайр-эҳсон қилинган мулкдан фойдаланиш бўйича амалга оширилган операцияларнинг алоҳида рўйхатини юритиши лозим.

Агар хайр-эҳсон қилинган мулкдан хайр-эҳсон қилувчи кўрсатган мақсадда фойдаланиш вазият ўзгарганлиги туфайли мумкин бўлмай қолса, мулкдан бошқа мақсадда фақат хайр-эҳсон қилувчининг розилиги билан, мол-мулкни хайр-эҳсон қилган фуқаро вафот этган бўлса ёки мулкни хайр-эҳсон қилган юридик шахс қайта ташкил этилган ёхуд тугатилган бўлса суд қарорига мувофиқ фойдаланиш мумкин.

Хайр-эҳсон қилинган мулкдан хайр-эҳсон қилувчи кўрсатган мақсадга зид ҳолда фойдаланиш ёки ушбу мақсадни мазкур модда олтинчи қисмининг қоидаларини бузган ҳолда ўзгартириш хайр-эҳсон қилувчига, унинг меросхўрларига ёки бошқа ҳуқуқий ворисига хайр-эҳсонни бекор қилишни талаб қилиш ҳуқуқини беради.

Ушбу Кодекс 507 ва 510-моддаларининг қоидалари хайр-эҳсонга нисбатан қўлланмайди.

1963 йилдаги Ўзбекистон Республикасининг Фуқаролик Кодексида фуқаролар томонидан ўз мулкларини давлат, кооператив ва бошқа жамоат ташкилотларига ҳада қилиниши мумкинлиги ва бу мулклардан муайян ижтимоий фойдали мақсадларда фойдаланиш шарт қилиб кўрсатилиши белгиланган эди. Албатта бунда давлат, кооператив ва жамоат ташкилотига ҳада нарсасини муайян ижтимоий фойдали мақсадга ишлатиши кераклигининг белгиланиши бу ташкилотлар зиммасига анча масъулият юклаган. Шу муносабат билан аксарият ҳолларда, бу ташкилотлар ҳадини қабул қилиши қийин эди. Умуман ҳадини қабул қилиш ва муайян мақсадда фойдаланиши уларнинг устав ва низомларида назарда тутилмаган фаолият ҳисобланарди. Амалдаги Кодекс бундай мажбуриятни фуқароларга юклаб, ҳада қилиш мумкинлиги ҳақидаги қоидаи белгилади. Фақат бунда ижтимоий фойдали мақсад тушунчаси "Умумфойдали мақсадлар" тушунчаси билан алмаштирилди. Бундан ташқари, ҳада шартномасининг бир тури бўлган "Хайр-эҳсон"-дан фойдаланиш бўйича бериладиган ҳуқуқлар бирмунча кешайтирилди. Хайр-эҳсон қилиши мумкин бўлган субъектларнинг ҳам, хайр-эҳсон қилиниши мумкин бўлган объектларнинг ҳамда хайр-эҳсон олиши мумкин фуқаролар ва юридик шахсларнинг турлари чекланмаган.

Аммо ўз-ўзидан маълумки фуқаролик-ҳуқуқий муносабатининг объекти бўлиши мумкин бўлмаган объектлар хайр-эҳсон шартномасининг объекти бўлолмайди (масалан, ер, ер ости бойликлари, давлатга тегишли бошқа мулклар). Шартноманинг субъекти муомала лаёқатига етган, ўз мулкига эга бўлган фуқаролар ҳамда юридик шахслар бўлиши мумкин.

Хайр-эҳсон бутун жамият манфаати учун, маълум ташкилот ва муассаса, корхона ҳамда чекланган маълум шахслар доираси учун ҳам бўлиши мумкин (масалан, қариялар уйи, ногиронлар жамияти ёки маълум касбдаги бир гуруҳ шахслар учун ва ҳоказо).

Хайр-эҳсон фуқароларга қайси мақсадда фойдаланиши кўрсатилмасдан қилинаётганида бу шартнома оддий ҳада шартномасидан фарқланади. Аксинча юридик шахсга қайси мақсадда фойдаланиши кўрсатилмай қилинган хайр-эҳсон айнан ашёнинг тайинланишига қараб (ФКнинг 511-модда 4-қисми) устав ёки низом билан белгиланган фаолият мақсадлардагина фойдаланиш мумкин бўлади (ФКнинг 49-модда 3-қисми).

Хайр-эҳсонни қабул қилиш сиёсий, мафкуравий чеклашлардан холи ҳисобланади. Шунинг учун ҳеч кимнинг рухсати талаб қилинмайди.

ФК 511-моддасининг 4-қисмида фуқароларга хайр-эҳсон берилишида унинг қайси мақсадларда ишлатилишини кўрсатиш шарт дейилади. Масалан: бемор фуқароларга хайр-эҳсон фақат унинг даволаниши ёки операция қилиниши мақсадларини назарда тутиб берилиши керак. Акс ҳолда, у ўзининг хайр-эҳсонлик аҳамиятини йўқотади. Бундай хайр-эҳсонлар солиққа тортилмайди. Юридик шахсларга хайр-эҳсон

қилинганида, аксинча, масалан, бундай оқибат мазорларга, мачитларга уларнинг фаолияти учун зарур бўлган маълум жиҳоз олишни мақсад қилиб берилиши мумкин.

Қонунда бундай ҳолатнинг мустаҳкамланиши юридик шахсларнинг хайр-эҳсонни тижорат мақсадларига ишлатмаслигини кафолатлашни назарда тутди.

Агар хайр-эҳсон бундай шартлар кўрсатилмай қилинган бўлса, ҳада шартномасига айланиб ўз мазмунини ўзгартиради. Хайр-эҳсон олган юридик шахслар унинг тайинланиши бўйича сарфланишини назорат қилиш мақсадида махсус маблағлар ҳисобварағини очиб, унда сақлашлари ва тайинланишига қараб сарф қилишлари мумкин.

Хайр-эҳсондан тушган мол-мулк ёки пул маблағлари фақат унинг тайинланишига қараб фойдаланиш мумкин бўлмаганида ёки хайр-эҳсон қилган вақтдан уни олгунга қадар кўрсатилган ҳолатнинг ўзгариши натижасида хайр-эҳсон қилувчининг кўрсатмасини бажариш мумкин бўлмаганлиги туфайлигина бошқа мақсадларга ишлатилиши мумкин. Аммо бунда хайр-эҳсон қилган шахснинг розилиги талаб қилинади. Башарти хайр-эҳсонни берган жисмоний шахс вафот этганда ёки юридик шахс қайта ташкил қилинганида ё тугатилганида хайр-эҳсонни қайси мақсадга сарф қилиниши суд қарори билан бедгиланади.

ХУЛОСА

Ҳозирги кунда Республикамизда иқтисодий-ҳуқуқий соҳани эркинлаштириш ва бу соҳадаги қонунчиликни такомиллаштириш ишлари олиб борилмоқда. Бу эса, барча ҳуқуқ соҳалари қонунчилигини ислоҳ этишни талаб қилади. Ўз навбатида қонунчиликни ислоҳ этиш ва эркинлаштириш мақсадида уларни такомиллаштириш ҳамда чуқур илмий тадқиқотларни амалга ошириш зарур.

Жамият ҳаётининг барча соҳаларини ислоҳ қилиш, кучли ҳуқуқий давлатдан кучли демократик жамият сари дадил одимлаётган Республикамизда бир қатор ижобий ўзгаришларни амалга оширишда дастуруламал бўлди.

Ҳар бир ислоҳатнинг: иқтисодий, демократик, сиёсий ва бошқа- яқуний мақсади инсонларнинг яшаши ва фаолияти учун муносиб шароитларни яратишдир¹.

Мазкур рисолани ёзишда қўйидаги хулосаларга келинди:

1. Бозор иқтисодиёти шароитида ҳада шартномасинин предмети доираси кенгайтирилди ва бу шартнома предмети қуйидагича таснифлаш мумкин:

Биринчидан бир тараф бошқа тарафга текинга мол – мулк қилиб бериладиган ашёлар;

Иккинчидан бир тараф (ҳада қилувчи) бошқа тараф (ҳада олувчига) ўзига ёки учинчи шахсга нисбатан мулк ҳуқуқи (талаби) ни берадиган ё бериш мажбуриятини олган ҳолларда ҳам мулк ҳуқуқи. Учунчидан бир тараф (ҳада қилувчи) бошқа тараф (ҳада олувчи) ни ўзи ёки учинчи шахс олдидаги мулк мажбуриятидан озод қиладиган ёхуд озод қилиш мажбуриятини олган ҳолларда ҳам мулк ҳуқуқи.

2. Ҳада қилувчи ҳада олувчининг учинчи шахслар олдидаги мажбуриятидан озод қилишни мақсад қилиб шартнома тузиши мумкин. Бунда ҳада қилувчи ҳада олувчининг мажбуриятини ўз зиммасига олиб бажариш орқали уни мажбуриятни бажаришдан озод қилади. Бундан кўриниб турганидек, ҳада шартномасининг предмети моддий қимматга эга бўлиб, маълум мажбуриятни бажариши туфайли ҳада қилувчининг мулк ҳуқуқи ҳада қилинган мулк ҳажмида камаяди. Фақат ҳада қилувчининг ўзигагина тегишли бўлиши мумкин бўлган, яъни ўзидан бегоналаштириб бўлмайдиган мутлақ ҳуқуқлар ҳада шартномасининг предмети бўла олмайди, аммо айтиш керакки, яъни шу ҳуқуқдан фойдаланишга бўлган ҳуқуқ (рухсат бериш, лицензия)гина ҳада шартномасининг предмети бўлиши мумкин. Бундай ҳуқуқ ҳада шартномасининг нарсаси бўлиши учун ҳада олувчи лицензиядан фойдаланиш ҳақида тегишли

3. Ҳада бир томонлама, реал, текинга тузиладиган шартнома ҳисобланади. Фикримизча, баъзан ҳада шартномаси консенсуал бўлиши ҳам мумкин. Масалан, ҳада ваъда қилинганда ва тегишли расмийлаштирилгандагина у тарафларда ҳуқуқ ва мажбуриятларни, шартнома имзоланган пайтдан бошлаб юклайди. Шу муносабат билан ҳада шартномасини консенсуал бўлиши ҳам мумкин, - деган хулосага келиш мумкин.

4. Ҳада шартномаси ўзининг тузилиш мақсадига кўра, мол-мулкни ва мулк ҳуқуқни бошқа шахсга ўтказишга қарартилган шартномалар гуруҳига мансуб бўлиб, текинга тузилиши, бир томонламалиги ва предметининг ўзига хослиги билан бу гуруҳдаги бошқа шартномалардан фарқ қилади.

5. Ижтимоий турмушда кўплаб учраб турадиган «совға», «инъом», «тортик» ва бошқа атамаларнинг ҳуқуқий эквиваленти бу – ҳада шартномасидир. Айнан ҳада муносабатларининг кўринишлари намоён бўладиган бу атамаларга нисбатан ФКнинг ҳада шартномасини тартибга солувчи қоидалари қўлланилади.

6. Ўзбекистон Республикасининг «Хайрия фаолияти тўғрисида»ги қонун лойиҳаси ва ФКнинг хайр-эҳсонга оид қоидалари умумлаштирилиш ва мазкур қонун

¹ Каримов И.А. Ўзбекистон иқтисодий ислохотларни чуқурлаштириш йўлида.-Т.1995.-112 б.

лойиҳазидаги хайр-эҳсон шартномаларини тартибга солувчи қоидаларни кенгайтириш лозим.

Фойдаланилган адабиётлар рўйхати.

1.Рахбарий адабиётлар:

1. Каримов И.А. Биздан озод ва обод Ватан қолсин. –Т.: Ўзбекистон, 1994, 48-б.
2. Каримов И.А. Хавфсизлик ва барқарор тараққиёт йўлида. -Т.: Ўзбекистон. 1998. 412-б.
3. Каримов И.А. Ўзбекистоннинг ўз истиқлол ва тараққиёт йўли.Т.:Ўзбекистон.1992.786 б.
4. И.А.Каримов . Ўзбекистон-бозор муносабатларига ўтишнинг ўзига хос йўли. Т.: Ўзбекистон.1993.114 б.
5. И.А.Каримов Буюк келажакимизнинг ҳуқуқий кафолати.Т.:Ўзбекистон.1995.246.
6. И.А.Каримов Ўзбекистон иқтисодий ислохотларни чуқурлаштириш йулида. Ўзбекистон.:1995.246 б.
7. Каримов И.А. Фан равнақисиз буюк давлатни қуриб бўлмайди (Ўзбекистон ФАнинг 50 йиллигига бағишланган йиғилишда сўзланган нутқ). Халқ сўзи, 1995, 4-ноябр.
8. Каримов И.А. Ўзбекистон ХХІ аср бўсағасида: ҳавфсизликка таҳдид, барқарорлик шартлари ва барқарорлик кафолатлари. –Т: Ўзбекистон 1997, 326б.

2. Норматив-ҳуқуқий ҳужжатлар:

1. Ўзбекистон Республикасининг Конституцияси. Т: Ўзбекистон 1992 – 48 б.
2. Ўзбекистон Республикаси Фуқаролик Кодекси. Т. Адолат. 2003 й.
3. Ўзбекистон Республикасининг хўжалик процессуал кодекси. Т: Адолат 1996 – 55 б.
4. Ўзбекистон Республикасининг «Ер кодекси» ва қиш хужалигига оид қонун ҳужжатлари Т: Адолат 1999 – 446 б.

5. Ўзбекистон Республикасининг «Фуқаролик процессуал кодекси» Т. Ўзбекистон 1997 – 318 б.
6. Ўзбекистон Республикасининг «Солиқ кодекси» Т: Ўзбекистон 1997 – 240 б.
7. Ўзбекистон Республикасининг Хўжалик юритувчи субъектлар фаолиятининг шартномавий-ҳуқуқий баъзаси тўғрисида қонуни (Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлиси 1 чақириқ 13 сессиясида 1998 й. 29 август қабул қилинган) Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлисининг ахборотномаси Т: 1989 № 9 (170-модда) Б- 84.-96
8. Ўзбекистон Республикасининг Тадбиркорлик фаолияти эркинликлар кафолатлари тўғрисидаги қонунлари. Т: 2000 й. 25 май.
9. Ўзбекистон Республикаси Президентининг 1998 й. 4 март Хўжалик юритувчи субъектларнинг иқтисодий ночорлиги ва шартнома мажлисларини бажарилиши учун мансабдор шахсларнинг жавобгарлигини кучайтириш тўғрисида фармони // Хўжалик ва ҳуқуқ. 1998 № 3-4 Б-4-5
10. Ўзбекистон Республикасида Мулкчилик тўғрисида Ўзбекистон Республикасининг қонуни 1990 й. 31 октябрда қабул қилинган. Ўзбекистон Республикаси Олий Кенгашида қабул қилинган қонун ва қарорлар (12 чақириқ 3 сессия тўплами) // Ўзбекистон овози 1990 – 23 ноябрь.
11. «Ижара тўғрисида» ги Ўзбекистон Республикасининг қонуни. 1991 й ноябрда қабул қилинган Ўзбекистон Республикаси Олий Кенгашининг ахборотномаси Т: 1992 № 1(46-модда) Б 12 декабрь
12. «Фуқароларнинг ўзини-ўзи бошқариш органлари тўғриси»даги Ўзбекистон Республикаси қонунлари // Халқ сўзи. 1999. –11 май.
13. Истеъмолчиларнинг ҳуқуқларини ҳимоя қилиш тўғрисидаги Ўзбекистон Республикасининг қонуни 1996 йил 26 апрел/ “Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлиси ахборотномаси 1996 йил, №5-6, 59-модда”; Ўзбекистон Республикасининг айрим қонун ҳужжатларига ўзгартириш ва қўшимчалар киритиш тўғрисидаги қонуни 2002 йил 5 апрел/ “Халқ сўзи” газетаси 2002 й.

3.Махсус адабиётлар:

1. М.Абдусаломов, Ф.Отахонов. Контракция шартномалари. Талабнома ва даъво аризалари.-Т.:Адолат.1998.-268 б.
2. М.Раҳмонкулов.Роль и сущность гражданско-правового договора в условиях рыночной экономики.-Т.:Фан.1994.-314 с.
3. Мухамедов Р. Мерос ҳуқуқи.-Т.:1998.-121 б.
4. Арипджанов У.А. Право собственности в системе веҳнўх прав.Автореф.канд.дисс.-Т.:О.О.О.NISIM.2000.-26 с
5. Раҳмонкулов Ҳ. Хусусий мулк ва унинг дахлсизлиги.-Т.: Адолат.2000.-84 б.
6. Брагинский М.И., Витрянский В.В. Договорное право. Ч.1. -М.: 1997. -692 с.
7. Ўзбекистон Республикасининг фуқаролик кодексининг иккинчи қисмига шарҳлар.2-жилд 1-китоб.-Т.:Иқтисодиёт ва ҳуқуқ дунёси.1998.-312 б.
8. Ўзбекистон Республикасининг фуқаролик ҳуқуқи. /Ҳ.Раҳмонкулов, И.Зокировларнинг умум.таҳрири остида.-Т.:Адолат.1999.-559 б.
9. Караходжаева Д.М. Гражданское право:субъект, объект и содержание правоотношения в условиях рўнка.-Т.:ТГЮИ.2004.-162 с.
10. Гражданское право.Т.2. /Под ред. Толстого Ю.К.,. Сергеева А.П -М.: Проспект.1998.-669 с.

11. Раҳмонкулов Ҳ.Р..Ўзбекистон Республикаси фуқаролик кодексининг биринчи қисмига умумий тавсиф ва шарҳлар.-Т.:Иқтисодиёт ва ҳуқуқ дунёси.1997.-504 б.
12. Бобоев Ж. Проблемные аспекты основных прав потребителей “Давлат ва ҳуқуқ” №2(14),2003.С. 19-21.
13. Имомов Н. Даъво муддати институти.// Ҳаёт ва қонун. 2004.№1 Б.24-26.